O'zingni angla!

# HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 22-iyul, 2009-yil ● №31 (634) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

## ЖИГАРРАНГ МАШИНА ИЗЛАГАН КИМСА



***Ярим йўлда Обид Носировнинг ўриндиқлар орасига яширган пичоғини тасодифан кўриб қолган Сардор қарши ҳужумга ўтиб, пичоқни тортиб олади. Обид чаққон, бунинг устига спорт устаси бўлган таксичига кучи етмаслигини билиб, чекинади ва ялина бошлайди.***

⇨ 4-бет

## ЭФИРДА МУЛОҚОТЛАР КЎПАЙСА...

***Намданак қишлоғини тасвирга олаётган вақтимизда, бир отахон "Қишлоқни фақат мақтамай, камчиликларини ҳам айтинглар-да, — деб қолди. Дарҳол у кишига микрофон тутдик. Давлат Нурматов шу қишлоқда туғилиб ўсганини ва эсини таниганидан буён ичимлик суви муаммо эканини айтиб қолди.***



⇨ 4-бет

## КУЛГАНДА ҒУБОРЛАР ТЎКИЛАДИ

***Қизиқчилар орасида меъёридан ошириб, бўлар-бўлмас сўзларни ишлатиб «қизиқчилик» қиладиганлар ҳам йўқ эмас. Чойхонада айтиладиган гапни саҳнага олиб чиқиш бемаъниликдир. Бунинг учун санъатни айблаш эмас, балки бу буюк сўз санъатининг теран моҳиятини англаб етишга ожизлик қилаётганларни қораламоқ лозим.***



⇨ 8-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимиз ғаллакорларига 6 миллион 610 минг тоннадан зиёд улкан ғалла хирмони бунёд этгани муносабати билан табрик йўллади.**

■ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси Раиси Мигель д'Эското Брокман Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги ва пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги нишонланиши муносабати билан табрик мактуби йўллади.

■ **Шу йилнинг 17 июль куни Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари кўриб чиқилди ва жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг республика ҳукуматининг шу йил 13 февралдаги мажлисида сўзлаган "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш — давр талаби" деб номланган маърузасида белгилаб берилган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.**

■ Берлин шаҳар парламентида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Таълим соҳасини ривожлантириш" лойиҳаси ижросининг якунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Лойиҳа доирасида республикамизнинг умумтаълим мактаб ва муассасалари ҳамда педагогика олий ўқув юртларидан жами 260 нафар муаллим ва мутахассислар Германиянинг етакчи илм марказлари ва таълим муассасаларида икки ҳафталик малака ошириш курсларида иштирок этди.

■ **Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа бўлиб ўтди.**

**Тадбир Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Корея Республикаси Кичик ва ўрта бизнес федерацияси ҳамда «Daily Group Plyus» масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида ташкил этилди.**

*Бугун юртимизда ёш авлодни маънан баркамол, юрт равнақига муносиб ҳисса қўша оладиган етук мутахассислар бўлиб етишишига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Уларнинг таълим олишидан тортиб, спорт билан шуғулланиши, бўш вақтларини мазмунли ўтказиши ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши замирида эртанги кунимизнинг фаровонлиги ётади. Зеро, келажак ёшларникидир.*

**Суратда:** Ўзбекистон Миллий университети талабаларидан бир гуруҳи.
**Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.**



ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА!

## «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

*Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Бадиий академияси ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини, барча ижодкорларни биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият, миллий ўзлигимиз, ор-номусимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи — мамлакатимиз мустақиллигининг ўн саккиз йиллигига бағишланган*

**«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»**

*анъанавий танловига таклиф этади.*



Танловга «Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади. Тақдим этиладиган асарларда Ватанимиз мустақиллигининг ўн саккиз йиллик тарихан қисқа даври давлатимиз учун ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маънавий-маърифий, ҳуқуқий соҳаларда ҳар томонлама ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлгани, истиқлол юртимизда яшайдиган ҳар бир фуқаро ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси сифатида ўз қадр-қимматини англаб, истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиши учун улкан имкониятлар яратиб бергани, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этишнинг мустаҳкам замини бўлиб келаётгани чуқур очиб берилган бўлиши керак.

(Давоми 2-бетда.)




МУЛОҲАЗА

## ЖУРНАЛИСТ ҚАДРИ

### унинг маслаги ва ижтимоий нафи билан белгиланади

*Бу мавзуда кўп бор сўз юритилганига қарамай яна нимадир дейишга ҳамиша эҳтиёж бордек. Чунки журналист бўлиб, шу касбнинг қаттиқ бўлса-да, тотли нонини таътиб юрган одамни айрим муаммолар муҳокамага, мунозарага чорлайверади.*

*Ҳамкасбларимиз эътиборини қаратмоқчи бўлганимиз, кундалик касбий фаолиятимизда кузатилаётган нуқсонларга доир фикрларимиз азбаройи журналист шахсига эмас, балки унинг фаолиятига нисбатан эканини инобатга оласиз, деб ишонамиз.*

*Келинг, мулоҳазаларимизни касбимиздан келиб чиқиб, маслагу ўйларимиз, амалий ишларимиз, вазифаларимиз хусусида бироз мушоҳада қилишдан бошласак.*

Бугун журналист сифатида ўзини шу касбга бағишлаган заҳматкаш ва фидойи инсонларнинг Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида ўз шахсий манфаатидан, ҳузур-ҳаловатидан воз кечиб ишлаётгани, яшаётгани, бой тарихимиз ва бетакрор маданиятимиз, қадриятларимиз ва анъаналаримизни тараннум этаётган ҳамкасбларимизнинг ижодий жасорати давлат ва жамият томонидан юксак эътироф этилиб, муносиб баҳоланаяпти.

Журналистнинг нозик ва масъулиятли, оғир ва машаққатли меҳнати, истеъдоди ва тинимсиз изланишлари, чет эллик ҳамкасблари билан мулоқот ва баҳсларда ҳеч кимдан кам бўлмасдан ўз профессионал малакасини намоён этаётганидан мухлису муштарийлар ҳам миннатдор.

Эндиликда журналист сифатида ўз олдимизда турган муҳим вазифалар — Ўзбекистон олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни турли-туман нуқтаи назарлардан холисона баҳолаб ифодалаш, коррупция ва амалпарастлик, маҳаллийчилик, одамлар дардига ва атрофдаги воқеа-ҳодисаларга бефарқлик каби иллатларга муросасиз курашиш, адолатни қарор топтириш ва жамият ҳаётини янада эркинлаштиришга муносиб ҳисса қўшишдан иборат эканини яхши англаб бормоқдамиз.

(Давоми 3-бетда)

ОБУНА – 2010

## Қадрли юртдошлар!

***Хабарингиз борми, республикамизда жорий йилнинг 20 июлидан бошлаб барча матбуот нашрларига келгуси йил учун обуна мавсуми бошланди.***




"Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти ва "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясининг жойлардаги бўлимлари орқали обуна бўлишингиз мумкин.

Ҳа, албатта, 2010 йил учун обуна палласи эндигина бошланди. Аммо бугунги ишни эртага қўйишдан не наф? Ҳеч иккиланмай **"Hurriyat"**га обуна бўлинг-да, ўз яқинларингиз, дўсту биродарларингизни ҳам обуна бўлишга унданг!

Жамоа раҳбарларидан эса ўз ходимларини рағбатлантиришнинг энг мақбул йўлларидан бири — уларни газетамизга обуна этишда деб биламиз.

Сизнинг севимли нашрингизга бўлган меҳрингиз, эътиборингизни ҳамиша қадрлаймиз, азиз замондош!

**Эслатиб ўтамиз: "Hurriyat"нинг нашр индекси — 233**

ДУНЁ СИЁСАТИ

## Хоҳишнинг ўзи кифоя эмас



Сўнгги бир неча йилдан буён Грузия ва Украина НАТОга аъзо бўлиб киришга ҳаракат қилиб келмоқда. НАТО бош котиби Яап де Хооп Схеффер мазкур икки мамлакат айни пайтда альянсга киришга тайёр эмаслигини билдирди. Унинг сўзларига қараганда, биргина хоҳишнинг ўзи ташкилотга аъзо бўлиш ҳуқуқини бермайди. Шунингдек, бош котиб аъзо бўлиб кириш учун НАТОнинг барча талабларига жавоб бериши лозимлигини таъкидлади.

Эслатиб ўтамиз, жорий йил 1 августдан бошлаб Яап де Хооп Схеффер эгаллаб турган лавозимидан кетади. У айни пайтда Буюк Британияга сўнгги бор НАТО бош котиби сифатида ташриф буюрмоқда.

(Дунё сиёсатига оид хабарларнинг давоми бешинчи саҳифада) 5 »

ЖАВОБ

## Иш янгидан кўрилади

*"Hurriyat" газетасининг 2009 йил 17 июндаги 25-сонида чоп этилган "Хат... огоҳлантириш бўлолмас эмиш ёки учта инстанция бўйича суд жараёни амалга оширилгандан кейинги мулоҳазалар" деб номланган мақола юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судидан жавоб хати келди. Унда шундай дейилади:*

Даъвогар — "Invest House Plus" МЧЖнинг жавобгарлар — Тошкент шаҳар ҳокимияти ва "Neftegazkipavtomatika" ЁАЖга нисбатан Тошкент шаҳар ҳокимининг 2006 йил 5 июндаги 274-сонли ва 14 декабрдаги 672-сонли қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан Тошкент шаҳар хўжалик судида қўзғатилган №10-0804/15351-сон хўжалик иши бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари Олий хўжалик суди Раёсатининг 2009 йил 25 июндаги Р-75-сонли қарори билан бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилди.

**Судлов таркиби раиси:**
**Н.УЗАҚОВ**

**ТАҲРИРИЯТДАН:** *Аввало, Олий хўжалик суди томонидан газетамизда чоп этилган мақолага тегишли эътибор қаратилганидан мамнунмиз. Зеро, юртимизда тадбиркор ва мулкдорларга кенг имкониятлар яратилаётганлиги сир эмас. Шундай экан, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказмаслик, амалга оширмоқчи бўлаётган режаларига бекордан бекор халақит беришдан ҳеч ким манфаат топмайди. Аксинча, бундан нафақат тадбиркор ва мулкдорга, балки жамиятимизга ҳам наф бўлмаслиги тайин. Умид қиламизки, қонун устуворлиги, адолат ва холислик асосий мезон бўлиб, юқорида тилга олинган масала ҳам ўзининг ҳақ ечимини топади.*

# ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

## «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

(Бошланиши 1-бетда.)

Шунингдек, эълон қилинган материаллар мустақиллик йилларида бой тарихимиз, бетакрор меросимиз, урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тикланганини, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш, ёш авлод онгу шуурига Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғусини сингдириш сингари мезонлар ҳаётимиздан чуқур ўрин олиб бораётганини, қатъий танлаб олган миллий тараққиёт йўлимиз асосида барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар изчил давом эттирилаётганини, ижтимоий дастурларнинг ижобий самараларини тараннум этиши, энг муҳими, юртимизнинг жадал тараққиётини, халқимизнинг фаровон ҳаётини, диёримизнинг бутун дунёда обрў-эътибори тобора юксалаётганини мамлакатимизда ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган бўлиши зарур.

**«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»**
танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

***— ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;***
***— босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;***
***— телевидение ва радио ижодкорларнинг материаллари;***
***— тасвирий санъат асарлари;***
***— кино санъати асарлари.***

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

***— муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;***
***— муаллиф паспортининг нусхаси;***
***— иш жойидан тавсиянома;***
***— муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.***

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг ўн саккиз йиллиги байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар **«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»** танловига деб кўрсатилган ҳолда 2009 йилнинг 10 августига қадар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

**100129, Тошкент шаҳри,**
**Навоий кўчаси, 30-уй.**
**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,**
**Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси**

**Телефонлар: (8.371)244-32-33; 244-64-61; 244-11-64;**

ТИЛГА ЭЪТИБОР — ЭЛГА ЭЪТИБОР

## Қарға “чўқиган” сўзлар

Яқинда дўкондан чиройли қадоқланган идишда асал сотиб олдим. Зомин табиатининг манзараси туширилган оҳанжамали ёрлиқда маҳсулот ҳақида маълумотнома бор эди. Матнни айнан келтирамиз: **“Асалнинг энг яхшиси хушбуй, таъми ширин ранги окиш, киёми йўгон ва хиди димогни китиклайдиган, аникроги, бахор фаслида, хавоси мусаффо тог ва тоголди хамда чулу сахроларда усадиган гиёхлар гулидан мисколлаб йигилган, халк орасида “май ойи асали” номи билан машхур булгани асл хисобланади. Зомин асали ёш балалар учун мислсиз фойдали озука хисобланади. У ёш танани турли витаминлар микро ва макро элиминтлар билан таъминлайди хамда бола жисмоний ривожланишини, миёрий кечишига ёрдам беради. У тез хазм булиши ва туйимлилиги сабабли, балалар учун энг биринчи дармон манбаи хисобланади.”**

Бир ўқиганда, рус тилидаги ҳарфларда ёзилибди-да, деб қўя қоласиз. Аммо жиддийроқ қаралса, матндаги сўзлар на ўзбек на рус, на бошқа тилларда эмаслигидан ҳайрон бўласиз. Агар уни умрини тилшунослик қонун-қоидаларига бағишлаган бирор куюнчак олим ўқиса, қўлидаги асал мутахассисни касал қилиши турган гап. “Зомин асали” хусусий фирмаси тадбиркорлари яхши ният билан ўз маҳсулотларини етиштириб, уни қадоқлагунча чинакам заҳмат тортганларига шак-шубҳа йўқ. Аммо маҳсулот ўз харидорини топиш жараёнига келганида, бироз эътиборсизлик қилинганга ўхшайди. Тўғри, дизайн чиройли, бироқ маҳсулот фақат ташқи кўриниши билан харидоргир бўлмаслиги ҳам бор гап.

Ҳозир четдан келтирилаётган баъзи бир дори-дармон воситаларининг йўриқномалари ўзбек тилига ўгирилаётгани қувонарлидир. Аммо таржималардаги носозликни кўриб, кишининг ҳафсаласи пир бўлади. Яқинда аёллар учун “Дуовит” дорисини харид қилдим. Унинг йўриқномасидаги қуйидаги сўзлар диққатимни тортди: **“Замонавий ҳаётни асабий тарзда ўсиши бизни чарчоқлик, бепарволик ва заифликни ҳис қилишга мажбур қилаётган бир пайтда витамин ва минералларнинг етарли заҳираси жуда муҳим.”** Бир асабийлашган бемор бу матнни ўқиса, йиғлаб юбориши турган гап. Унинг рус тилидаги ёзуви шундай: ”Оптимальный запас витаминов и минералов необходим когда лихорадочный темп современной жизни заставляет нас чувствовать усталость, апатию и слабость.”

Демак, маҳсулотларнинг ёрлиқлари, йўриқномаларидаги матнларни ёзганда ёки таржима қилганда эътиборлироқ бўлиш, бу ишга тажрибали мутахассисларни жалб этиш ҳам муҳим эканини унутмаслик лозимга ўхшайди. Тилга эътиборсизлик, элга эътиборсизлик, деб бежизга айтилмаган.

Ёшлар телеканалидан уяли телефонга оид рекламада шундай гапни эшитиб, ёзиб олдик. “Ҳаракатларингиз тезкор ҳаракат қилмоғи лозим”(?). “Орият доно” хусусий радиоканали бошловчиси янгиликлар ўқиётиб: “Ҳукумат лойиҳани кўтармайдиган бўлди”, деган гапни айтди. “Грант” хусусий радио бошловчиси Жасмин тингловчилардан келаётган SMS ларни ўқиркан: “...Агар тўйни кутмоқда бўлсалар”, — дейди овозига ўйноқилик қўшиб. Умуман, хусусий радио каналлардаги бошловчилар тилида ўзбек тили бузилаётгани хусусида матбуотда кўп бор айтилади. Баъзан “Ёшлар” радиоканали бошловчилари ҳам эшиттиришларни ўта ўйноқи овозда олиб бормоқчи бўладиларми, ҳар ҳолда нутққа ортиқча оҳанжама қўшиб гапиради. Бундай бошловчилар балки тингловчиларни шу йўл билан тутиб туришни маъқул кўрар. Лекин шакл минг жимжимадор, ўйноқи ва оҳанжама бўлмасин, фикр моҳиятан бўш бўлса, ҳаммаси бефойдалиги маълум. “Ёшлар” радиоси бошловчилари “жаранг сочади” иборасини кўп қўллайди. Бу ибора ноўрин қўлланаётгани тўғрисида бир пайтлар Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов ҳам мақола ёзганди. Лекин шунга қарамасдан, радиоканал орқали икки гапнинг бирида қўшиқлар “жаранг сочади” каби радиобошловчиларимиз тилида чайналавериб, сийқаси чиқаётган сўз ва иборалар бор. Шундай сўзлардан бири “бўлган” кесими ҳисобланади. Масалан “Ноаниқ бўлган жавоб”, “Нотўғри бўлган жавоб” ва ҳоказо, ҳоказо. Нотўғри жавоб, деб қўйса нима қиларкин, деди бир кун касби трамвай ҳайдовчиси бўлган қўшним.

Рост, айрим “сариқ матбуот“ деб аталаётган ва ҳар куни бодроқдай потирлаб янги-янги номда чиқаётган хусусий газеталарга кўз югуртирганда ёки радиотўлқинларни эшитганда улар қўллаётган сўзларни қарға чўқиганмикин, деб ўйлаб қоласан киши.

Очиғи барча соҳада рақобат кучаяётган бир даврда сўз бойлиги ўта ғариб, тўртта сўз ва унинг оҳангига пардоз беришга ружу қўяётган бошловчилар сўзнинг уволини тушунармикин, деган саволга барибир тузукроқ жавоб тополмайман!

**Мамлакат НОРМУРОДОВА**

ТАДБИР

## ЭРКИН ФИКРЛАР БАҲСИ

Ток-шоу айни пайтда нодавлат телестанциялар кўп мурожаат қилаётган телевизион жанрлардан биридир. Бу жанр иштирокчиларнинг эркин баҳс-мунозараси, фикрлар хилма-хиллигини таъминлаши билан эътиборга молик. Муайян бир мавзуга турли касб ва қарашларга эга бўлган инсонларнинг муносабати, реал ёки саҳналаштирилган воқеалар таҳлили юқори рейтингли дастурларнинг яралишига олиб келади. Биргина НТТ канали орқали эфирга узатилаётган маънавий-маиший йўналишдаги “Ёнимиздаги одамлар”, “Сўз сизга”, “Ҳар бир оқшомингиз хайрли бўлсин” ток-шоулари ўз атрофида кўплаб томошабинни жамлай олди. Бундан ташқари, бундай телекўрсатувларни тайёрлаш бўйича “Самарқанд-СТВ”, “Мулоқот” (Қўқон), “Марғилон”, “Тараққиёт” (Андижон) каби ҳудудий телестанцияларнинг етарлича тажрибаси бор.

Бугунги тезкор ахборот асрида бошқа телевизион жанрлар сингари ток-шоу ҳам жадал тариққий этмоқда. Уни тайёрлашда “телекўприк” воситасидан кенг фойдаланилаётгани ҳам фикримиз исботидир. Бунда техник имкониятлар орқали бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ турли масофада жойлашган студияда ўтирган иштирокчиларнинг жонли мулоқотга киришиши таъминланади. Мисол учун, ўртага ташланган мавзу бўйича Тошкент-Андижон ёки Самарқанд-Тошкент-Фарғона шаҳарларидаги ҳамюртларимиз ўзаро фикр алмашишади.

Кеча пойтахтимиздаги “Бунёдкор” ёшлар телеклубида Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (ЎзЭОАВМА)га аъзо 12 та ҳудудий телестанцияларнинг ток-шоу тайёрловчи ижодий гуруҳлари учун семинар-тренинг ўтказилди. Унда ток-шоу йўналиши бўйича тажрибали журналист-тренерлар ҳудудий телестанция вакилларига назарий ва амалий машғулотлар орқали сабоқ беришди. Семинар-тренинг бугун ҳам давом этади.

**Ситора ТОЖИДДИНОВА,**
**“Hurriyat” мухбири.**




### ЙЎЛОВЧИЛАР ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

Бундан бир неча кун олдин “Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси”дан “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпаниясининг IOSA (IATA Operational Safety Audit) операторлари реестрига киритилгани ҳақида расмий мактуб келди. Бу авиакомпания эксплуатация хавфсизлигининг барча параметрлари IATA меъёрларига тўлиқ мувофиқлигидан далолат беради. Қолаверса, IOSAнинг ушбу сертификати авиакомпаниялар учун умумэътироф этилган сифат белгиси ва ҳаво линияларидан биргаликда фойдаланиш бўйича ҳамкорлик шартномаларини тузиш ҳамда ўз ташишларини ҳамкор авиакомпанияга сотиш ҳуқуқини бериш тўғрисида қарор қабул қилишда кўплаб авиаташувчилар учун зарурий ҳужжат ҳисобланади. Энг асосийси, у хавфсиз авиаташувчининг тасдиқланган халқаро мақомидир. Сертификат авиакомпанияларнинг IATA ва бошқа халқаро альянсларга қўшилиши учун мажбурий талаб ҳисобланади. Шундай қилиб, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” дунёнинг йирик авиакомпанияларини ўзида бирлаштирган “Sky Team” халқаро альянсига қўшилишда галдаги муҳим қадамни қўйди.

**Матёқуб НАРЗИЕВ,**
**“Hurriyat” мухбири.**

### СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

Термиз шаҳрида фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг минтақавий ахборот-таҳлил маркази томонидан “Сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнида оммавий ахборот воситаларининг роли” мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Республика ва вилоят газеталарининг муҳаррир ва ижодкор ходимлари ҳамда барча партиялар фаоллари иштирок этган семинарни марказ раҳбари Нурали Бекмуродов кириш сўзи билан очди.

Семинар доирасидаги мунозаралар чоғида жорий сайловларни ўтказиш жараёнига бир қанча ўзгартиришлар киритилгани, хусусан, номзодларни танлаш, ишончли вакилларни тайинлашдаги қатор ўзгаришлар, шу билан бирга қуйи палатага сайланажак депутатларнинг сони аввалги сайловларга нисбатан оширилишининг мақсад ва моҳиятини кенг жамоатчиликка тўғри етказиш масалалари муҳокама қилинди.

**Даврон ОРИПОВ,**
**“Hurriyat” мухбири.**

### ВЕБ САЙТЛАРНИНГ БУГУНИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Яқинда Адлия вазирлигида “Мавжуд веб сайтларнинг бугуни ва келажакдаги истиқболлари” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда Адлия вазирлигининг масъул ходимлари, ҳудудий адлия бошқармалари ва тизимга кирувчи муассасаларнинг ахборот ва компьютерлаштириш бўйича мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Тадбирда Ўзбекистон мустақиллик йилларида ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш юзасидан барча зарурий тадбирларни амалга оширгани, мазкур йўналишда зарур ҳуқуқий асослар яратилгани, бу эса соҳадаги ишларнинг янги босқичга кўтарилишида муҳим омил бўлаётгани таъкидланди. Хусусан, Адлия вазирлиги томонидан Андижон вилоят адлия бошқармасининг *www.and-adliya.uz*, Бухоро вилоят адлия бошқармасининг *www.adliya.bv*, Фарғона вилоят адлия бошқармасининг www.faradliya.uz, республика Суд департаментининг *www.suddep.uz*, Х.Сулаймонова номидаги республика суд экспертиза марказининг *www.sudex.uz* ҳамда Тошкент юридик коллежининг *www.tyuk.uz*, расмий веб-сайтлари ташкил этилиб, доимий равишда янгилик ва ахборотлар жойлаштирилаётгани, қолаверса, жорий йил якуни билан барча ҳудудий адлия бошқармаларида ва тизимга тааллуқли бошқа муассасаларда ҳам расмий веб сайтлар очиш ва фойдаланишга топшириш учун амалий ишлар қилинаётгани қайд этилди.

**Иномжон АБДИЕВ,**
**“Hurriyat” мухбири.**

### БАЙРАМГА ТАЙЁРГАРЛИК

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллик байрамини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун Элликқалъа туманида ҳам кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина халқ таълими соҳасида олиб борилаётган чуқур ислоҳотлар натижаси ўлароқ тумандаги 49-ўрта умумтаълим мактабини қайта таъмирлаш учун давлатимиз томонидан 611 миллион сўм маблағ ажратилганди. Шу кунгача ушбу маблағнинг деярли ҳаммаси ўзлаштирилди. Мактабнинг янгиланган биноси гўзал қиёфада қад ростлади. Ҳозир бу ерда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилаётир. Шубҳасиз, бу илм масканини истиқлолнинг ёш авлодга чинакам совғаси дейиш мумкин.

**Ғойиб ЁҚУБОВ,**
**“Hurriyat” мухбири.**

### “ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!”

Пойтахтимиздаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғида “Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика кўрик-танловининг маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Тошкент шаҳар бош бошқармаси тизимидаги бадиий жамоалар ва яккахон хонандалар ўртасидаги якуний босқичи бўлиб ўтди.

Танловнинг шаҳар босқичига тақдим этилган қўшиқлар гўзал юртимиз, азим пойтахтимиз, унинг кўрку тароватини, истиқлол йилларида рўй берган улкан бунёдкорлик ишларини тараннум этгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф шеъри билан айтилувчи «Тошкент» қўшиғи учун Абдулазиз Карим биринчи ўринга лойиқ топилди. Иккинчи ўринга Иқбол Мирзо шеъри ва Баҳрулло Лутфуллаев мусиқаси ҳамоҳанглигида жаранглаган «Тошкентим» қўшиғи учун Наргиза Маъқулова, учинчи ўринга Нормурод Нарзуллаев шеъри, Баҳрулло Лутфуллаев мусиқаси билан айтилувчи «Гўзал Тошкентим» қўшиғи учун Музаффар Усмонов лойиқ топилдилар.

**Абдуғани СОДИҚОВ,**
**“Hurriyat” мухбири.**


TURON BANK

## ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ “ТУРОН БАНК”

**миллий ва хорижий валютада қуйидаги юқори фоизли омонат турларини таклиф этади:**

| Омонат тури | Омонат муддати | Йиллик фоиз (%) | Асосий шартлар |
|---|---|---|---|
| **Миллий валютадаги омонатлар** | | | |
| **КАФОЛАТ** | 10 кун | 18% | Ҳар ойнинг 25-санасидан кейинги ойнинг 5-санасигача қабул қилинади. |
| **НУРОНИЙ** | 3 ой | 18% | Омонатнинг асосий шарти омонатчининг омонат қўйиш даврида ёши 54 дан кам бўлмаслиги керак. |
| **ИМКОНИЯТ** | 1 ойдан | 18% | Омонат бўйича тўланадиган фоиз даромадларини олиш муддатларини омонатчи мустақил белгилайди. |
| **ҲАМКОРЛИК** | 12 ой | 18% | Омонатчи топшириғига асосан фоиз суммаси коммунал тўловларга ўтказилади. Омонатчи барча коммунал тўловларидан қолган фоиз даромадлари ҳар ойда олиш ҳуқуқига эга. Агар фоиз даромадлар ҳар ойда олинмаса, капиталлашмайди. Омонат муддати тугагандан сўнг омонатчига 3% бонус тўланади. |
| **САРМОЯ ПЛЮС** | 6 ой | 18% | Омонат бўйича ҳисобланган фоиз ҳар ойда капитализация қилинади. |
| **БАРХАЁТ** | 2 ой | 26% | Омонат бўйича ҳисобланган фоиз ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан кейин берилади |
| **БАХОР** | 3 ой | 30% | Омонат бўйича ҳисобланган фоиз ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан кейин берилади |
| **Чет эл валютасидаги омонатлар** | | | |
| **“OPTIMA”** | 1,3,6,12 ой | 7% | Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан кейин АҚШ долларида тўланади. Омонат суммаси чекланмаган. |
| **“MEROS”** | 12 ой | 7% | Омонат балоғатга етишига бир йил муддат қолгангача бўлган ёшлар номига қабул қилинади. Фоиз омонатчи 16 ёшга тўлгандан сўнг АҚШ долларида берилади. Йиллик капитализация билан. |
| **“UNIVERSAL”** | 3,6,9,12 ой | АҚШ долларида – 9% ЕВРОда – 6% Англия фунт стерлингида – 3% | Омонат АҚШ доллари, Евро ва Англия фунт-стерлингида қабул қилинади. Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда бўнак шаклида ёки омонат муддати тугагандан кейин миллий валютада тўланади. Омонат валютасини омонатда қўзда тутилган бошқа хорижий валютага конверсия қилиш имкони мавжуд. |
| **“BONUS PLUS”** | 6,12,18 ой | 9% | Омонатнинг қўйилган муддатига қараб, омонатга қўшимча фоизлар қўшиб ҳисобланади. 6 ой муддатга 9,0%+ 1,0% йиллик фоиз; 12 ой муддатга 9,0%+ 2,0% йиллик фоиз; 18 ой муддатга 9,0%+ 3,0% йиллик фоиз; Омонатга ҳисобланган фоизларни ҳар ой ёки омонат муддати тугагандан кейин АҚШ долларида тўланади. |

Омонатларга қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сири ҳисобланади. Омонатдан олинган даромад солиққа тортилмайди. Омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш фонди томонидан кафолатланган. Омонатлар бўйича ҳисобланган фоизли даромадингиз биринчи талабдаёқ берилади. Унутманг, “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонунан юз фоиз таъминланади.

Қўшимча маълумотларни: (+99897) 700-55-55 телефонидан ёки www. turonbank.uz сайтидан олишингиз мумкин.

# ЖУРНАЛИСТ ҚАДРИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Буларнинг бари истиқлол шарофатидан. Бироқ...

Бироқ журналист сифатида бугуннинг шиддати-ю, теварак-атрофда кечаётган воқеа-ҳодисаларга, жараёнларга нисбатан муносабат билдиришда ўзимиздан, ҳамкасбларимиз фаолиятидан қониқаяпмизми? Ҳар бир журналист муайян масалага нисбатан ўз позициясига эга, улар кўзланган маррага етди, яъни Ўзбекистон демократик тараққиётининг чин маънодаги ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда, дея оламизми?

Таъкидлаш лозимки, ҳозирги цивилизация даврида ахборот бирламчи аҳамият касб этиб, глобал ахборот макони учун ҳам ошкора ва ҳам пинҳона кураш кетмоқда. Дунёнинг ягона ахборот маконига қамраб олиниши мисли кўрилмаган сиёсий, иқтисодий, маданий моҳиятга эга бўлган ўзаро таъсирларнинг кучайишини келтириб чиқараяпти. Ягона ахборот макони таъсирида янги-янги ижтимоий ўзгаришлар — қарашлар, тушунчалар, маданият, муомала воситалари, қисқача айтганда, янгича турмуш тарзи вужудга келмоқда. Бироқ глобал ахборот маконидаги бу жараёнлар миллий жамиятларнинг демократик тараққиётига фақатгина ижобий таъсир этавермаслигини ўз ҳаётимизда — оилада, ишда, кўчада, ҳар жабҳада кўриб турибмиз. Чунки *ҳар қандай ахборот алмашинувининг моҳиятида муайян ғояни илгари суриш, ўз манфаатини рўёбга чиқариш мақсади ётади*. Бу айниқса, глобаллашув шароитида мураккаб мазмун касб этади. Мураккаблик шундаки, глобал маконда миллий манфаатлар дахлсизлигини, давлат-жамият-шахснинг якдиллигини таъминлашда миллий журналистикамиз, аниқроқ айтганда, ахборот маконимиздаги миллий интеллектимиз — журналистлар асосий роль ўйнайди. Демак, журналистлар Юртбошимиз таъбири билан айтганда, **“баъзан беозоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланишини”** ҳар доим етарли даражада англаб, сезиб, бошқаларни ҳам бундан ўз вақтида огоҳ этиши керак. Хўш, бугун шу талабга жавоб бера олаяпмизми?

Ҳамкасбларим маъзур тутсину, бугун ОАВда тарқатаётган аксарият журналистик ва ижодий материалларнинг мазмун-моҳияти ОГОҲЛИК бобида бирмунча оқсаётганимизни кўрсатиб турганини тан олиш керак.

Акс ҳолда, баъзи теле ва радиоканалларимизда ғоявий саёз, ҳатто моҳиятан миллий тарбияга салбий таъсир этувчи мусиқа-ю, шоуларни, мультфильмларни, сериалларни қалаштириб, уларнинг бемаъни таржимаси-ю, дубляжи учун маблағ сарфламас эдик! Шу имкониятларимизни миллий менталитетимизни такомиллаштирувчи, ўзлигимизни янада чуқурроқ англашга кўмаклашувчи, ёшлар тарбиясига хизмат қилувчи янги-янги теле, радио лойиҳаларни жорий этишга, етук шахслар ва мутахассисларнинг, миллатпарвар инсонларнинг ибратли ҳаёт йўлини, фаолиятини, фикр-у ўйларини жамоатчилигимизга ҳавола этишга йўналтирган бўлар эдик.

Газета ва журналларимиз саҳифаларини Интернет тармоғидан олинган, муайян манфаатлар билан “суғорилган” маълумотлар билан кўр-кўрона “бойитиш”га ружу қўймасдик. Обуна учун ўз маблағларини сарфлаган, биз журналистлардан АХБОРОТ, ЯНГИЛИК, ТАҲЛИЛлар кутган, жўяли гапларни умид қилган муштарийларимизга уларнинг ҳаёти-ю фаолиятида ҳеч қандай аҳамият касб этмайдиган, хорижнинг ҳатто ўша ернинг ўзида ҳам эътибор қозонмаган актёру хонандалари ҳақидаги енгил-елпи, олди-қочди маълумотларни, адабиётга дахли бўлмаган сийқа ва саёз детектив асарларини (асар дейишга тил бормайди!) тақдим этишдан бироз истиҳола қилган бўлар эдик. Матбуотимизда улуғ аждодларимиз ҳаёти ва ижодидан энг дурдона лавҳаларни ибрат тарзида муштарий эътиборига ҳавола этиш, бугунги тинч ва осуда ҳаётимиз қандай машаққатлар эвазига таъминланаётганини ёритиш ўрнига қулоч-қулоч саҳифаларни хорижий телерадиодастурлар учун ажратмас эдик. Дарвоқе, биргина шу бегона теледастурларни чоп этиш орқали уларда катта ва қора харфлар билан бўрттириб



ёзилган беҳаё, маънавиятимизга, шарқона одоб-у ахлоқимизга путур етказувчи (“Дом-2”, “Секс с Анфисой Чеховой”, “Клуб бывших жен”, “Секс с текилой”, “Фотосексия”, “Голые и смешные”, “Секс в большом городе” каби) кўрсатувларни очиқдан-очиқ реклама қилаётганимизни, бу миллат ҳамиятига тегишини англаб етган бўлардик!

Ҳеч тасаввур қиламизми, Ўзбекистон телерадиодастурлари хорижий давлатлар матбуотида чоп этилишини? Ёки Ўзбекистон ҳаётига оид ижобий мазмундаги биргина фотосуратни, икки сатр маълумотни хорижий ОАВда эълон қилиш орқали ўз ватанпарварлигимизни ва фидойилигимизни намоён қилиш ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмизми? Бундай ишларга жазм этмаганимиз ҳолда, ҳар қандай хорижликнинг Интернетга жойлаштираётган ярми ёлғон, ярми чин маълумотларини ўз ОАВларимизда бамайлихотир узатиб, ёт ғояларга “хизмат” қилаётганимизни оқлаш мумкинми?!

Агар билсак, хорижий ОАВда “ўзгалар”ни нафақат тараннум этиш, реклама қилиш, балки улар ҳақида оддийгина ахборотни узатиш ҳам каттагина пул туради. Ана шунинг учун ҳам уддабурон хорижий оммавий ахборот воситалари ўзидан бошқа ҳаммани фақат танқид қилади. Ваҳоланки, ҳеч қачон асосли ва жўяли бўлмаган бундай танқидлар моҳиятан кимгадир жон куйдириш, яхшилик соғинишдан йироқдир. *Уларнинг муддаоси, асосий мақсади битта, токи танқид қилинаётганлар “йўқ, бизда сизлар айтаётгандек эмас, аксинча, аслида ҳолат мана бундай” дея ўша ахборот манбаларида чиқишга уриниши, бунинг учун каттагина маблағ тўлаши керак!*

Интернет (матн, овоз ва тасвирни бир вақтда чекланмаган ҳажмда узатиш имконияти)дан оқилона фойдаланиш, ундаги ахборот хуружларини етарли даражада баҳолай олиш, ҳар қандай ахборот муайян манфаатлардан келиб чиққан ҳолда талқин этилишини англаб етиш журналист халқининг бурчи эмасми? Ахир бу борада ҳам бизни, барчамизни **“шуни унутмаслигимиз керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин”,** дея муҳтарам Юртбошимиз огоҳ этиб турибдику.

Журналист ана шу айни ҳақиқатни нақадар англаётгани, жамият ҳаётидаги ижобий янгиланишларга нечоғли ҳисса қўшаётгани чексиз ахборот макони бўлган Интернетдан фойдаланишида ҳам намоён бўлиб туради. Агар *одамларимизга нафи тегадиган, ҳеч бўлмаса “билиб қўйган яхши” ҳисобланган маълумотларни саралаб танлай олсак, муҳим воқеалар ривожини кузатиб, малакали хулосалай билсак, биз журналистларнинг ижтимоий нафимиз ортиб боради.*

Журналистнинг ижтимоий нафи ахборот хуружлари ривожланиб бораётган, уни чеклаш, тартибга солиш ёҳуд назорат қилиш бўйича ҳеч қандай халқаро нормалар ишлаб чиқилмаган бир пайтда жамиятни ахборот хуружларидан ҳимоялашида, миллий қадриятларимизни, фойдали анъаналаримизни ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишида, ҳаётда одамларга нимадан ибрат олиб, нимадан сабоқ чиқаришни кўрсатиб бера олишида яққол кўзга ташланади. Чунки, жонажон Ватанимиз тараққиёти глобал ахборот маконида миллий манфаатларимизнинг нечоғли кафолатли ҳимояланишига боғлиқ. Биз танлаган демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш йўли эркин ахборот алмашинувини тақозо этади ва миллий ахборот маконимизнинг очиқлигини англатади. Бу сизнинг ҳам кўнглингиздан ўтаётган бўлса, ажабмас. Ҳар ҳолда, бугунги глобал инфомаконнинг ўзига хос хусусиятларидан бири — ундаги жами ахборот мажмуининг аксарият қисми ижтимоий онгга, шахс, жамият ва давлат бирлигига салбий таъсир этувчи, “манфаат ташувчи” манипулятив ахборот эканини журналистларимиз яхши билиши керак. Демократия соясида глобал инфомакон геополитик қарама-қаршилик полигонига айланаётган айни вақтда журналистнинг бош вазифаси — шахс, жамият ва давлатни мазкур полигоннинг салбий таъсирларидан асраб-авайлашдан иборат эканини ҳам тўғри тушуниши жоиз. Чунки бугун «ким кўпроқ ахборотга эга бўлса, у дунёни бошқаради» деган ҳақиқат ўзини оқлаётгани барчамизга аён.

Мутахассислар хулосаларига кўра, одамлар ахборотлар билан ишлашга ўз вақтларининг 80-95 фоизгачасини сарфлайди. Ҳозирги ахборий жамиятда бу табиий ҳол. Чунки ўз вақтида ва ишончли ахборотларга эга бўлиш, уларни ўзлаштириш ҳамда унумли фойдаланиш самарали фаолиятни, муносиб ҳаётни таъминлашнинг бош шарти бўлиб қолди. Одамлар олаётган, тўғрироғи журналистларимиз узатаётган ўша ахборотлар бизнинг, Ўзбекистонимизнинг манфаатларига қай даражада мос? Ҳамюртларимизга чексиз ахборот оқими орасидан баҳолиқудрат саралаб узатилаётган, асосли, қизиқарли, шу билан бирга миллий манфаатларимизга хизмат қилувчи таҳлилий материаллар кўпроқ етиб бориб таъсир қилаяптими ёки айрим «хусусий»лигини пеш қилиб, даромаддан бошқа нарсани ўйламайдиган, олди-қочди нашрлар-у, теле-радиодастурларнинг енгил-елпи, чала-чулпа маълумотларими? Умуман, одамлар кўпроқ манбаси аниқ, асосли ахборотларга таянаяптими ёки муайян мавзуларда ахборот танқислигига йўл қўяётганимиз боис, миш-миш ва ғаразли тахминларга ишониб кетаверяптими?! Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш, тегишли хулосалар чиқариш вақти етганини журналист сифатида етарлича ҳис этаяпмизми?

Шуни унутмаслик керакки, бугун замон ўзгарди. Тўғрироғи, у шиддат билан ҳам шаклан, ҳам мазмунан ривожланиб бормоқда. Кечагина “танганинг икки томони бор”лигини билиб, мулоҳазакорликда, фаолиятда шу ақидага амал қилишнинг ўзи кифоя эди. Бугун ҳатто ёш боладан сўрасангиз танганинг учинчи (қирраси), тўртинчи (ички қисми) томони ҳам борлигини айтиб бериши ҳеч биримизни ҳайратлантирмайди. Шиддатли ривожланиш янги авлод интеллектида ҳам кўзга ташланаётганини кўрсатади бу. Лекин катта авлод, айниқса, жамиятнинг энг илғор тоифаси бўлган журналист халқи бугун шу танганинг бешинчи томони (унинг моҳияти назарда тутилаяпти!) ҳам борлигини яхши англаши ва кўпроқ айнан шу хусусда сўз юритиш зарурлигини сезиши лозим.

Журналист ёзади, гапиради, кўрсатади. Одамлар уни ўқийди, эшитади, кўради. *Ҳар қандай одам ҳам ўзи учун янгилик, ибрат, сабоқ ёки хулоса олмаса ўқишдан, эшитишдан, кўришдан тийилиши ҳеч гапмас.* Демоқчимизки, журналист ҳар қандай масаланинг моҳиятига етмаса, бошқаларни ҳам шунга етакламаса, воқеа-ҳодисаларга юзаки ёндашиб, унинг яширин, кутилмаган қирраларини асосли тарзда очиб бермаса, ўзига ўзи маҳлиё бўлиб юраверади ва оқибатда муштарийсини, тингловчисини ва томошабинини йўқотиши табиий. Бу йўқотишнинг олдини олиш учун бемаза, сифатсиз ва ҳатто зарарли ахборотлар тарқатишгача бориб етаётганимиз, шунда ҳам ўзимизни айбламаётганимиз, аксинча, “мухлисларга шу маъқул тушаяпти-ку” дея ўзимизни оқлашга уринаётганимиздан ким манфаатдор бўлаётганини тасаввур қилаяпмизми?!

Бугун аввало бош муҳаррирлар, қолаверса, барча журналистларимиз ўз фаолиятида замоннинг мана шу талабларига нечоғли жавоб бера олаётгани хусусида мушоҳада қилиб кўриши, тарқатаётган ҳар бир ахбороти, маълумоти ва хабарида буни ҳисобга олиши керак. Айни масала глобал инфомакондаги маълумотлардан фойдаланиш ва уларни узатишда ҳар бир ахборотнинг мафкуравий таркибини, долзарблигини, асослилигини ва ишончли манбаларга тегишлилигини ҳар томонлама, юқори савияда таҳлил қилишни тақозо этади.

Бу билан ҳар бир журналист фуқароларимизни асосли ва зарур бўлган маълумотлар билан таъминлашга, жамиятда ёт манфаатларни ташувчи ахборотлар таъсирини камайтиришга, ўз миллий инфомаконимиздаги ахборот оқими ва кўламини ўзимиз назорат қилишимизга муносиб ҳисса қўшади. Шунингдек, демократик қадриятлар ривожланиши, фуқароларда ички ва ташқи ахборот хуружларига қарши ижтимоий иммунитетнинг шаклланиши, давлат ва жамият якдиллигининг таъминланиши каби сиёсий-ижтимоий жараёнларда журналист ўз ўрни ва ролини намоён этади.

Журналист фаолиятининг мазмуни глобал ахборот маконида миллий манфаатларни ишончли ҳимоя қила олиши билан, унинг самарадорлиги эса, бу борада эришган натижалари билан белгиланиши шубҳасиз. Зеро, йиллар ўтиб бугунги журналистлар фаолиятига, уларнинг халқимизнинг асрий интилишлари меваси бўлган мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги хизматига баҳо беришда тарих саҳифаларида улар қолдираётган излар — журналистик материалларнинг мазмун-мундарижаси, савияси ва ижтимоий аҳамияти биринчи галда ҳисобга олинади.

Журналистик фаолиятда назарда тутиш лозим бўлган яна бир муҳим жиҳат шундаки, ахборот алмашинувига эҳтиёж кескин ортиб бораётган ҳозирги кунда “халқаро ахборот алмашинувини муайян тартиб асосида йўлга қўйиш”дан кўра, “очиқ инфомаконда эркин ахборот алмашинувини жорий этиш” кўпроқ маъқулланаётганидир. Чунки халқаро ахборот айланишини тартибга солиш айрим етакчи давлатларнинг стратегик мақсадларига мос тушмайди. Тартибсиз, эркин ахборот алмашинуви эса миллий манфаатларимизга салбий таъсир қилишини аллақачон англаб етганимиз ҳолда ўз фаолиятимизда буни назардан соқит қилишимиз тўғри бўлармикан?!

Демократия ва эркин ахборот алмашинуви масалалари уйғун ҳолда қаралаётган бугунги кунда айрим кучларнинг бошқа мамлакатларга, минтақаларга йўналтираётган ахборот хуружларини шаклан ёки мазмунан тартибга солиш имконсиз эканини ҳам яхши тушунамиз. Бироқ бу муаммо ечимсиз дегани эмас. Глобал ахборот маконидаги зарарли таъсирлардан ҳимояланишнинг энг мақбул йўли — жамиятда таҳдидбардош ахборий иммунитетни шакллантиришдир. Журналистик фаолиятда Президентимизнинг “фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш” назариясига асосланиш, айни муддао бўларди. Бу ўз навбатида ахборот таркибидаги зарарли мафкураларга ташхис қўйиш, унинг салбий оқибатларсиз ижтимоий “ҳазм қилиниши”ни таъминлаш каби касбий маҳорат билан боғлиқ жиҳатларни ҳам қамраб олади. Мазкур масалаларни ижобий ҳал этиш учун журналист ўз фаолиятида аниқ мақсадга, иш режасига эга бўлиши, ҳар бир мавзуга таҳлилий нуқтаи назардан яхлит ва комплекс ёндашиши талаб этилади. Бошқача айтганда, *журналистлар миллий ахборот маконимиз ҳам худди қуруқлик, сув ва ҳаводаги каби ўз чегарасига эгалигини, мазкур стратегик хусусий ҳудудимизни ғоявий, мафкуравий таҳдидлардан мунтазам ҳимоя қилиш ўзининг касбий ва фуқаролик бурчи эканини чуқур идрок этиши керак.* Шундагина у ўз фаолиятида жамият аъзоларини глобализация шароитида шунчаки ахборот истеъмолчиси сифатида турли таҳдидларга нишон бўлиб қолишдан асраши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида журналистик фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, соҳага демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ, изчил чоралар амалга оширилди ва мазкур жараён давом этмоқда. Бу миллий ахборот тизими фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш, замонавий технологияларни жадал жорий этиш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш, иқтисодий имкониятларни кенгайтириш каби жабҳаларда яққол кўзга ташланади. Бунга жавобан журналистлар жамиятни асосли, таҳлилий ахборотлар билан ўз вақтида таъминлаши, ахборот узатишда миллий манфаатларни ҳимоялаши, ижтимоий муроса, аҳиллик, ўзаро қўллаб-қувватлашни тарғиб этиши, жамиятда инсон манфаатлари бошқа барча, шу жумладан, давлат манфаатларидан ҳам устун қўйиладиган инсонпарварлик тамойилини рўёбга чиқаришга хизмат қилиши тақозо этилади.

Журналистик фаолиятда инсон ҳуқуқлари, унинг манфаатлари хусусида сўз айтиш масъулияти ҳам ўзига хос. *Кейинги пайтда бутун дунёда ўзлари хоҳлаган демократияни ўрнатишга жиддий киришган ва бунда ахборот маконидаги мислсиз имкониятларидан кенг фойдаланаётган айрим кучларнинг миллий жамиятларда инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ иддаолари ҳам ватанпарвар журналистда таажжуб уйғотиши жоиз.* Масалан, ғарб мафкурасининг намояндаси, француз маърифатпарвари Жан Жак Руссо ҳам бу хусусда сўз юритиб, «Фуқаро эркинлиги — фуқаролик мажбуриятлари чегириб ташлангач, индивидда қоладиган ҳуқуқлардан иборатдир», деган. Фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлари фақат қонун билан белгиланишини, ўз навбатида қонун олдида барча баробар эканлигини назарда тутсак, инсон ҳуқуқларининг қамровини ҳам тасаввур этиш қийин эмас. Демак, бу нуқтада инсон ҳуқуқлари борасида жамиятимизда амал қилаётган демократик тамойиллар ташқи кучлар томонидан уларнинг қаричи билан ўлчаниши ва баҳоланишига қарши курашиш масъулияти юзага келмоқда. Табиийки, бу масъулият ҳам кўпроқ журналистлар — ҳамиша ҳушёр ва огоҳ тоифа зиммасига тушади.

Шунингдек, амалда демократик тараққиётнинг юқори босқичига эришдик, дея жар солаётган жамиятларда ҳам ахборот эркинлиги ёки иқтисодиётнинг дахлсизлиги каби тушунчалар нисбий эканини журналистлар яхши билиши, чуқур ўрганиши, ўз чиқишларида қиёсий ифода этиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундай эркинликнинг даражаси ёки сифатини баҳолаш ҳам ўзига хос ёндашувни талаб этади. Дунёда энг демократик ҳисобланган ҳар қандай давлатда ҳам стратегик мақсадлар йўлида амалга оширилаётган сиёсий амалиётга оид муайян ахборотлар фақат расмий даражада тарқатилишини ва бу хусусдаги сўз эркинлиги, мустақил журналистик фаолият жиддий таъқибга учраётганини кўриш мумкин. Ёки ўз иқтисодиётини энг демократик деб ҳисоблайдиган ғарб жамиятида ҳам аҳолини ҳар турли молиявий-иқтисодий найранглардан кафолатли ҳимоя қилиш борасида жиддий нуқсонлар кузатилиб туришини ўткир журналистик нигоҳ билангина кўриш мумкин. Бунга айрим йирик ишлаб чиқариш ва аудиторлик компаниялари теграсида амалга оширилган товламачиликлар натижасида юз минглаб европаликлар бир дақиқада шахсий жамғарма маблағларидан ажраб қолгани ва ўзини энг демократик деб билувчи давлатларнинг ҳеч қандай масъулиятни ўз зиммасига ололмагани яққол мисол бўлади. Бироқ ўша давлатларнинг демократия нуқтаи назаридан умуман қабул қилиб бўлмайдиган бу каби камчиликлари дунё ҳамжамияти томонидан оммавий танқидга учрамаслигини айнан журналистлар таъминлаб бераётгани ҳам сир эмас. Бу эса уларнинг ҳар бир масалада доимо ҳақлигини эмас, балки ўз мақсадлари йўлида кўпроқ ва тинимсиз изланаётганини билдиради.

Айтмоқчимизки, *Ўзбекистоннинг ўзига хос демократик тараққиётида, айниқса, ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи эканини кескин танқид қилаётган айрим демократия жарчиларининг “сўз эркинлиги” ёки “бошқарилмайдиган иқтисодиёт” масаласида ибрат олса арзийдиган жиҳатлари йўқлигини ҳам журналистларимиз диққат марказида тутиши лозим.* Ҳар бир миллий жамиятнинг демократик тараққиёти ўзига хос тарзда кечади, мана шу ўзига хосликни такомиллаштириш ва ҳимоя қилиш учун журналистлар етакчи мутахассислар, олимлар, экспертлар ва амалиётчиларни ОАВда ягона мақсад — Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида бирлаштириши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Журналист ўз фаолиятида жиддий эътибор қаратиши тақозо этилаётган яна бир жиҳат шундан иборатки, бугун халқаро майдонда экспансиянинг мутлақо янги кўриниши кузатилаётганидир. Яъни, эндиликда давлатлар бошқа мамлакатларда, минтақаларда ўз манфаатларини рўёбга чиқариш учун у ерни албатта босиб олиш ёки ҳарбий-иқтисодий жиҳатдан забт этиш йўлидан воз кечиб, ахборот соҳасидаги устунликларидан фойдаланган ҳолда, ўша давлатда ўзларига мойил ва содиқ бўлган ҳукуматни шакллантириш амалиётини қўллай бошлади. Бунинг учун аҳолини ўз миллий мақсадларидан чалғитувчи, ижтимоий тоифалар ўртасида парокандаликни авж олдирувчи ва давлат бошқарувига нисбатан ишончсизликни кучайтирувчи ахборотлар билан “кўмиб” ташлаш кифоя бўлмоқда. Бу ортиқча харажатни ҳам, оворагарчиликни ҳам ва ҳатто бу жараёнларда бевосита иштирок этишни ҳам талаб этмайди. Демак, бундан буён дунёга эгалик қилишни таъминловчи янги восита ишга солинмоқда. Бу — ахборот воситаси экани ҳам сир эмас. Бундан келиб чиқадики, *миллийлигимизга қарши бўлган ва жамиятимиз ҳаётига у ёки бу ижтимоий утопияни тиқиштираётган турли хил радикал мафкураларга қарши барқарор ижтимоий иммунитетни шакллантириш зарурати ватанпарвар журналистни доимо безовта қилиб туриши керак.* **“Аслида ҳаётнинг ўзи турли-туман ғоялар курашидан, баҳсу мунозаралардан иборат** — деган эди Президент Ислом Каримов. — **Тараққиётнинг маъно-мазмуни керак бўлса, фалсафаси ҳам шунда. Аммо ҳамма гап ҳар қандай таҳдид ёки таҳлика олдида ваҳимага тушмасдан, ана шу кураш ва синовларга доимо тайёр туришда, огоҳ ва сергак бўлишдадир”.**

Огоҳ ва сергак бўлиш, синовларга доимо тайёр туриш айниқса, журналистлар зиммасига тинимсиз изланиш, воқеа-ҳодисаларнинг ўзи англаб етган мазмун-моҳиятидан бошқаларни ҳам бохабар қилиш, уйғоқ қалб ва мустаҳкам фуқаролик позициясига эга бўлиш, атрофдагиларни ҳам шунга даъват этиш масъулиятини юклайди.

**Фахриддин КАРИМОВ,**
**журналист**

---

■ **ТАЪЛИМ**



# ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

## — дейди Олтиариқ педагогика коллежи директори Шоҳиста САЛИМОВА

Юртимизда бугунги кунда юзлаб касб-ҳунар коллежлари мавжуд. Бир-биридан чиройли, шинам ўқув бинолари, барча ўқув ва техник жиҳозларга эга фан кабинетларида минглаб ёшлар касб-ҳунар сирларини эгаллашмоқда. Фарғона вилоятида ҳам 120 та коллеж, 9 та академик лицей фаолият кўрсатаяпти. 2009-2010 ўқув йилида эса қўшимча 23 та янги коллеж қурилиши кўзда тутилган.

— Ўқув масканларимизда 134 минг ёш таҳсил олмоқда, — дейди Фарғона вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи, фалсафа фанлари номзоди Шахобиддин Холматов.

Олтиариқ педагогика коллежи намунали ўқув юртларидан биридир. Ўқув маскани 720 ўринга мўлжалланган. Биз яқинда мазкур билим масканида бўлганимизда ўқишга кириш — педагоглик касбини эгаллаб, келгусида ёшларга таълим бериш истагида юрган кўплаб ўғил-қизларни учратдик. Педагогик жамоада ўқув жараёнлари “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га асосан ташкил этилган.

— Ўқув юртимизда “Очиқ дарслар куни” ташкил этилган бўлиб, ноанъанавий дарс усулларидан кенг фойдаланиш, ўқитувчиларнинг педагогик ижодкорлик салоҳиятини юзага келтиришда муҳим омил ҳисобланади, — дейди коллеж раҳбари Шоҳиста Салимова. — Ўқув масканимизда 22 та фан хонаси, 2 та қўшимча компьютер синфи ва 3 та ўқув-лаборатория хонаси мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси ёшларнинг ихтиёрига берилган. Таъкидлаш мумкинки, ахборот-ресурс марказини ўқув масканининг юраги дейиш мумкин. Сабаби нафақат ўқитувчилар, балки ўқувчилар ҳам ўзига керакли ҳар қандай қўлланма ёки дарсликни шу ердан олади. Ахборот-ресурс марказида 2114 та янги



китоб фонди ҳам мавжуд бўлиб, улардан 1374 таси умумтаълим фанларига оид, 518 таси эса бадиий адабиётлар, 222 та сиёсий адабиётларни ташкил этади.

Педагогика коллежида таҳсил оладиган ёшларнинг кўпчилик қисмини қизлар ташкил этади. Шу боис уларни келгуси ҳаётга, оилага тайёрлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилаяпти. Масалан, вилоят ва туман хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликда учрашувлар, давра суҳбатларини ўтказиб туриш анъанага айланган. Булардан ташқари, чеварлик, дўппидўзлик, рақс ва ашула тўгараклари ҳам ташкил этилган бўлиб, улар ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун хизмат қилмоқда.



Энг муҳими, ушбу ўқув масканида миллий қадриятларимизга, қадимий урф-одатларимизга, ўзбекона либосларимизга алоҳида эътибор берилиб, ёшларни шу руҳда тарбиялаш асосий вазифалардан бирига айланган. Натижада ўқувчи қизларнинг кўпчилиги ўқишга миллий либосларда келишади.

Коллеж ёшлари спортда ҳам кўплаб муваффақиятларни қўлга киритиб келмоқда. Улар вилоят ва республика босқичларида нуфузли ўринни эгаллаб, жамоа обрўйини оширишаяпти. Хусусан, таэквондо бўйича республика ғолиблари Мадина Қодирова, Аҳмаджон Дадажоновлар шулар жумласидан. Иқтидорли ўқувчи Ҳаётхон Маъруфжонова эса Зулфия номидаги Давлат мукофоти учун бир неча босқичларда иштирок этди.

Коллеж билан вилоятдаги барча туманлар таълим муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномалари имзоланган бўлиб, бу ёшларнинг амалиёт ўтказишида ўз самарасини бераяпти. Ҳомий сифатида эса Фарғона давлат педагогика университети, Олтиариқ туман ҳокимлиги ва халқ таълими бўлимлари педагогик жамоани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда. Шу билан бирга ўқув масканидаги кам таъминланган оила фарзандларидан 10-15 нафарини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш учун уларга стипендия ҳамда бепул овқатланиш учун шароит яратилган.

Бир сўз билан айтганда, Олтиариқ педагогика коллежида олиб борилаётган хайрли ишлар юртимиз таълим соҳасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларга ҳамоҳангдир. Янги бунёд этилган ушбу масканда ўқувчилар учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Демак, келгусида Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қиладиган етук мутахассисларни тайёрлаш бу педагогик жамоанинг шарафли вазифасидир.

**Норқул МАЪМУР** ®

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

# ЭФИРДА МУЛОҚОТЛАР КЎПАЙСА...

## ёки "Тошкент ва тошкентликлар" кўрсатуви мисолида айрим мулоҳазалар

*Ҳозирги давр ҳар биримиздан ҳаёт ташвишларидан шикоят қилишни эмас, балки уларни бартараф этиш йўлларини топишни, барча имкониятларни ишга солиб, изланишни, янгилик яратишни тақозо этмоқда. Бу борада Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Toshkent" телерадиоканали орқали эфирга узатилаётган "Тошкент ва тошкентликлар" номли бевосита мулоқот дастурининг ижодий жамоаси самарали иш олиб бораяпти.*

Мазкур кўрсатув ҳар ҳафтанинг шанба куни кечки пайтда намойиш қилиниб, 40 дақиқа давом этади. Аммо шу вақт ичида томошабинга ҳавола этилган воқеа телевидениенинг таъсир кучи катталигини, унинг аудиторияси кенглигини кўрсатади. Шу сабабли одамлар ушбу мулоқотнинг эфирга узатилишини интизорлик билан кутади. Боиси кўрсатувда масъул раҳбар қабулига кириш учун бир неча кунлаб навбат кутса-да, муаммосини ҳал қила олмаган фуқароларнинг мурожаатига ҳоким ва бошқа мутасаддилар телеэкран орқали тўғридан-тўғри жавоб беради, жойлардаги муаммоларга ечим биргаликда изланади, улар иложи борича ижобий ҳал қилинади.




"Тошкент ва тошкентликлар" кўрсатуви ташкил этилганига 5-6 йил бўлди. Унда пойтахтимиз ва Тошкент вилояти ҳокимлиги, шунингдек, мазкур ҳудудга қарашли туманлар ҳокимликларининг мутасадди раҳбарлари билан биргаликда турли ижтимоий-иқтисодий муаммолар муҳокама қилиниб, кўп ҳолларда бартараф этилади. Дастурнинг қисқача сценарийси қуйидагича: кўрсатув бериладиган куни бирор туман ёки шаҳар ҳокимлиги раҳбарлари студияда йиғилишади. Кўрсатув эфирга тўғридан-тўғри берилаётгани боис, телебошловчи аҳолининг мурожаат қилиши учун студиянинг телефон рақамларини эълон қилади. Жойлардан телефон орқали берилаётган кетма-кет саволлар ва мурожаатларга ҳокимликнинг ўша соҳага масъул ходимлари жавоб беради. Яна бир эътиборли жиҳати, телестудиядаги бу мулоқотлар "Toshkent" радиоканали орқали ҳам эфирга узатилади. Бу эса телетомошабинлар билан бирга радиотингловчиларнинг ҳам қизиқарли мулоқотга киришишларига имкон яратади.

Бу каби телемулоқотлар муаммоларни ўз вақтида жамоа бўлиб ҳал этишда катта аҳамиятга эга. Бирон телевизион кўрсатувда тележурналист маълум муаммони кўтариб чиқди, дейлик. Одатда бу чиқишнинг натижасини узоқ вақт кутишга тўғри келади. Чунки кўрсатув эфирга кетгач, жойларда бу кўрсатув муҳокама қилинади, кимдир бу масалага жавоб бериши керак бўлади. Улардан телевидениега жавоб етиб келгунича анча-мунча вақт ўтади. "Тошкент ва тошкентликлар" бевосита мулоқотида эса аҳолидан тушган саволларга жавоб бирданига берилади. Қолаверса, кўпгина муаммо жойида ҳал қилинади ёки унинг сабаблари кўрсатилиб, маълум муддатда бартараф этилиши кафолатланади.

Аҳолининг мурожаати ёки шикоятига раҳбарларнинг муносабатлари, муаммонинг қисқа вақтда ҳал қилиниши қимматли вақтнинг тежалиши, ортиқча асаббузарликларнинг олдини олишга имкон бўлаяпти. "Биз "Тошкент ва тошкентликлар" кўрсатуви ижодкорларидан беҳад миннатдормиз. Чунки уларнинг аралашуви билан, яъни муаммо шу дастурда кўтарилгандан сўнг фарзандларимиз таълим-тарбия оладиган мактабнинг спорт зали таъмирланиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Ҳозир болаларимиз жисмоний тарбия дарслари ва турли спорт тўгаракларига иштиёқ билан қатнашаяптилар," — деб "Toshkent" телерадиоканалига миннатдорчилик мактуби йўллабди Янгийўл туманида истиқомат қилувчи Нодира Муслимова. Муҳарририятга бу каби миннатдорчилик хатлари кўплаб келиб туради.

Телемулоқотнинг ҳар бир сонига телефон орқали ўртача 70-80 та саволлар, ўнлаб шикоят хатлари келади. Таҳлилларга кўра, уларнинг 34 фоизи тоза ичимлик суви ва газ масалаларига оид, 32 фоизи коммунал, 18 фоизи йўллар, 7 фоизини умумтаълим мактабларнинг таъмири ва моддий-техника базаси хусусида, 3 фоизи электр тармоқлардаги узилишлар, 3 фоизи "Тез ёрдам" хизмати ва тиббий хизматдаги муаммоларга доир, 1,7 фоизи фермер хўжаликлари билан боғлиқ бўлса, 1,3 фоиз мурожаатларни ишга жойлашишга оид масалалар ташкил этади. Бу рақамлардан кўринадики, ҳали жойларда бажарилиши керак бўлган вазифалар, муаммолар кўлами анча кенг.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиз: бугун жойлардаги камчиликлар очиқ-ойдин айтилса, халқнинг фаоллиги ошади, масъул ташкилотлар раҳбарлари ўз вазифаларига бефарқ бўлмайди. Қолаверса, кўрсатув эфирга чиққанидан кейин бошқа туман ҳокимлигидаги мутасаддилар бундай камчилик ёнуқсонларнинг ўз ҳудудида содир бўлишига йўл қўймасликка ҳаракат қилади. Телевидение кўрсатувларининг таъсир кучи эса айнан шунда. Бир мисол келтирамиз. Ўтган йилги кўрсатувлардан бирида Оққўрғон туманидаги пахсадан қурилган, авария ҳолатидаги "Ўқувчилар ижодиёт маркази" ҳақида танқидий фикрлар билдирилган эди. Яқинда ўша жойдан тайёрланган кўрсатувда ушбу марказнинг янги биноси қад кўтариб, ишга тушгани намойиш этилди. Ушбу телекўрсатув ҳақида тўхталишдан мақсадимиз телевидениенинг умумреспублика каналларида ҳам жонли эфирлар ташкил этилса яхши бўлишини таъкидламоқчиман. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатиладиган дастурларга эса халқнинг қизиқиши доим юқори бўлган.

— Ҳамма ишлар кўнгилдагидек, силлиқ кетаётгани йўқ, — дейди кўрсатув муҳаррири Дилшод Бўриев, — аксарият мулоқотларда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг жойлардаги ижроси юзасидан танқидий-таҳлилий фикрлар берилишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу жараённинг янада мураккаб жиҳатлари борлигини англаш мумкин. Ўйлаб кўринг, қайси туман ҳокими ёки мансабдор шахс ўзи масъул бўлган ҳудуд ёки соҳада муаммолар кўп, дейди. Имкони борича ёмонини яшириб, яхшисини ошириб маълумот беришга, сизда ҳам ижобий таассурот уйғотишга ҳаракат қилади. Аслида объект билан танишарқансиз, анчагина муаммолар йиғилиб қолганига гувоҳ бўласиз. Масалан, шу йилнинг 14 март куни мулоқотимизга лавҳа тайёрлаётиб, Бекобод туманидаги "Далварзин" қишлоқ врачлик пунктига бориб, унинг мудири билан суҳбатга киришдик. Унинг айтишича, ҳамма вазифалар ўз ўрнида уддаланмоқда. Сўнгра бу ердаги шароитлар билан танишдик. Дастлаб муассасада электр чироғи ёнмаётганига гувоҳ бўлдик. Физиотерапия бўлими ҳам бўмбўш. Тиббий асбоб-ускуналар, мебель жиҳозларининг аксарияти эскирган. Бу ҳолатни кўриб турган мудир бошқатдан интервью олишимизни сўради...

Яна бир гап. Намданак қишлоғини тасвирга олаётган вақтимизда, бир отахон "Қишлоқни фақат мақтамай, камчиликларини ҳам айтинглар-да, — деб қолди. Дарҳол у кишига микрофон тутдик. Давлат Нурматов шу қишлоқда туғилиб ўсганини ва эсини таниганидан буён ичимлик суви муаммо эканини айтиб қолди. Ўша интервьюни тўлиқ равишда эфирга узатдик. Бевосита мулоқотда туман ҳокими отахон номига шахсан мурожаат қилиб, бу муаммонинг 2 ой ичида ҳал қилинишига ваъда берди. Биз эса бу мавзуга яна қайтишимизни билдирдик.

Кўрсатув ижодкорлари бевосита мулоқотда кўтарилган муаммолар, айтилган фикр-мулоҳазаларнинг амалдаги ижросини доимо назорат қилиб борадилар. Халқимизнинг "Маслаҳатли тўй тарқамас", деган доно нақли бор. Жамиятдаги баъзи камчиликларни бартараф этиш учун раҳбар-у, мутасаддилар жамоа билан бир ёқадан бош чиқариб, иш тутсалар, камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш осон кечади. Бу борада "Тошкент ва тошкентликлар" кўрсатувини ибрат қилиб кўрсатсак, арзийди.

**Юсуфжон ҲАМДАМОВ,**
**ЎзМУ журналистика факультети "Телекўрсатув ва радиоэшиттириш" кафедраси доценти.**

# ҲУДУДИЙ НАШРЛАРДА

## ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР КЎПАЙМОҚДА

Айни пайтда Урганч давлат университетида 6000 нафардан зиёд талаба таълим олмоқда. Энг зукко, изланувчан ёшларга «Иқтидорли талаба» номинацияси бўйича стипендия ташкил қилинган. Шунинг самараси ўлароқ, олий ўқув даргоҳида иқтидорли талабалар сони кундан-кунга кўпайиб бораётир. Шунингдек, бу ерда халқаро стипендия совриндорлари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари, бир қанча кўрик-танловлар ғолиблари, чет эл грантларининг соҳиблари ижодий изланишлар билан машғул.

Ҳозир 8 нафар талаба Германиядаги Вайн Штефан университетининг магистратура босқичида ўқишни давом эттирмоқда. Жорий йилнинг баҳорида бўлиб ўтган «Иқтидорли талабаларнинг илмий ишлари анжуман-танлови»да истеъдодли талабалар ўзларининг ўткир салоҳият эгалари эканликларини намойиш этишди. Шунингдек, дорилфунуннинг уч нафар талабаси Ўзбекистон Республикаси Давлат стипендиясига муносиб деб топилди. Кимёвий технология факультетининг 4-босқич талабаси Сабоҳат Содиқова Улуғбек номидаги Давлат стипендиясини олишга мушарраф бўлди. Физика-техника факультети талабаси Мансур Жуманиёзов Беруний номидаги Давлат стипендиясига ҳамда филология факультети 4-босқич талабаси Назокат Бобожонова Навоий номидаги Давлат стипендиясига сазовор бўлди. Бу нафақат иқтидорли талабаларнинг, балки бутун олий ўқув даргоҳи жамоасининг ҳам ютуғи ҳисобланади.

**Феруза МАШАРИПОВА**
**"Хоразм ёшлари",**
*30.06.2009 йил.*

## ТАРБИЯ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Бугун юртимизда ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Лекин улар орасида мактаб ёки коллежга 1-2 соатга бориб-келадиганлари ҳам йўқ эмас. Айримлари эса вақтини компьютер ўйинлари-ю, турли хил диск ва суратларга термулиб ўтказади. Бунинг сабаби шундаки, оила муҳитида камчиликлар кўп. Шу боис бола турли хил кўнгилхушликларни ўйинлардан қидиради. Чунки ўйинда ҳеч қандай тақиқлар йўқ: одам ўлдириш, машина ўғирлаш ёки тезликни ошириш мумкин. Болалари порнографик расмлар кўриб, отишма ва қотилликлардан ҳузурланаётганини сезган ота-она ҳушёр бўлиши лозим. Бу фақат ота-онанинг эмас, бутун жамиятнинг муаммоси.

Юқоридаги салбий хусусиятлар тиббиёт психологиясида касаллик ҳисобланиб, лудомания дейилади. Бу хасталик асосан болалар ва ўсмирлар орасида учрайди. Унинг биринчи аломатлари уйқунинг бузилиши, хулқининг ўзгариши, жиззакилик, қунимсизлик, компьютер ўйинларига буткул тобелик, ўқиш ва уй ишларидан бош тортиш... Бу жиддий руҳий касаллик ҳисобланиб, махсус муолажаларни талаб қилади.

Кузатишлардан маълумки, бугун болалар компьютер ўйинларига 4-5 ёшдан бошлаб кириб келишмоқда. Келажагимизни ишониб топширадиганимиз — ёшлар шу пайтдан ўзларига салбий иллатларни сингдирса, улғайганларида нима бўлишини тасаввур қиламизми?

**Дилбар ҚУРБОНОВА**
**"Бухорономa"**
*20.06.2009 йил.*

**Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ, ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ҳамда ахборот кўмагида тайёрланди.**
**Лойиҳа: «Матбуот — давр кўзгуси».**

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

# ЖИГАРРАНГ МАШИНА ИЗЛАГАН КИМСА

Уйида автомобиль таъмирлаш устахонаси ташкил этиб, эски таъмирталаб машиналарни тузатиш билан шуғулланадиган Обид Носиров яқин атрофдаги қишлоқлар аҳолисига тажрибали уста сифатида яхшигина танилиб қолганди. Аммо устахона ишларини яхшилаш ва қизини турмушга узатиш чоғида у укасининг хотини Зиёда ва бир-икки ўртоқларидан қарз олади. Шундан сўнг уста қарзини узиш учун ўйлаб-ўйлаб жиноят кўчасини танлади.

— Ака, машинанинг техник паспорти бор, оласизми? — сўради бир куни устахонага келган узоқ таниши. — Янги машина ясаб сотсангиз, керак бўлади.

Маълум бўлишича, Фахриддин Султонов номида бўлган ва 2004 йилда қисмларга бўлиниб сотилиб кетган, бироқ Фарғона вилояти ИИБ, Қўқон шаҳар ТРИБдан рўйхатдан чиқарилмай қолган "Ваз-2103" русумли 15 I 65 61 давлат белгили автомашинанинг ААА1079591 сонли техник гувоҳномаси ҳамон сақланмоқда экан. Обид Носиров 150 000 сўмга уни сотиб олади.

Обид бирор "Жигули" топиб, кейин ўзидаги техник гувоҳномадан фойдаланиб, уни сотиш ва шу йўл билан пул топиш ҳақида бош қотира бошлади. Шу мақсадда 2008 йил 16 сентябрь куни эрталаб киракаш машиналар турган жойга йўл олди. Ўз режасига биноан хизматга шай турган хусусий таксилар олдига келиб, улар орасидан ўзига "керак"ли рангдагисини қидириб топди.

Фарғона шаҳри томон йўлга тушган Сардор Нуриддинов машинасини мижознинг таклифига биноан Қўқон шаҳрига элтувчи кесма йўл — яъни кимсасиз дала томондан ҳаракатлантирди. Ярим йўлда Обид Носировнинг ўриндиқлар орасига яширган пичоғини тасодифан кўриб қолган Сардор қарши ҳужумга ўтиб, пичоқни тортиб олади. Обид чаққон, бунинг устига спорт устаси бўлган таксичига кучи етмаслигини билиб, чекинади ва ялина бошлайди. Сардор эса раҳмдиллик қилиб, уни ўлдирмоқчи бўлган кимсани уйигача элтиб қўяди.

Аммо ҳайдовчи бўлган воқеани ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга айтиб қўйишидан хавфсираган Обид Носиров ўша куни кечки пайт С.Нуриддиновнинг уйини қидириб келади.

— Бўлиб ўтган воқеадан афсусдаман. Сизлардан узр сўрайман, — дейди у аввалига ўзини олижаноб кўрсатиб.

С.Нуриддиновнинг хотини Ҳабиба унга бақириб кетгач, Обид ҳам таҳдид йўлига ўтади:

— Хуллас, агар бирор одамга бу ҳақда ғинг дейдиган бўлсаларинг, огоҳлантириб қўяй, бутун оиланг билан қириб ташлайман. 4 марта қамалиб чиққанман, йўқотадиган ҳеч нарсам йўқ. Тушунарлими? — дейди ўдағайлаб.

* * *

Биринчи "ов"и бароридан келмаган Обид барибир режасини амалга ошириш ҳақида ўйлайди. Шундай қилиб, у 2008 йил 17 сентябрь куни кечқурун Қўқон шаҳрида киракашлик билан шуғулланувчи автомашиналар турадиган жойга келиб, Неъмат Сафаров бошқарувидаги "Ваз-2106" русумли, жигарранг, давлат рақами 15 V 46 27 бўлган автомашинани танлайди. Манзил ва йўлкира ҳаққини келишгач, йўлга тушадилар. Аммо... машина манзилгача бормолмайди. Бу сафар пухта тайёргарлик кўрган Обид ҳайдовчига ҳужум қилиб, уни буғади. Неъмат Сафаров қаршилик кўрсатишга улгурмайди... Ниҳоят, қабиҳ режасини амалга оширишга муваффақ бўлган Обид мурдани номаълум жойга элтиб ташлаб, уйига келади. Машинада қолган ҳайдовчилик ва автомобиль гувоҳномаларини йўқ қилади. Кейин марҳумнинг жасадини бировлар топиб олишидан чўчиб, мурдани ташлаб келган жойига қайтиб боради. Жасадни таниб олишнинг иложи бўлмайдиган ҳолатга келтиради. Кейин уни Катта Фарғона каналига ташлаб юборади.




* * *

Тонг бўзараётганда Обид ҳайдовчиси гумдон қилинган жигарранг автомашинани шогирди Соҳибнинг уйига олиб боради.

— Манави телефонни йўқотиб юбор, — дейди у марҳумнинг "Nokia-1110" русумли телефонини ўғли Омонга тутқазиб. — Машинани эса тез қисмларга ажратинглар, рангини кўчириб ташланглар, оқ ранг билан грунтовка қилиб қўйларинг.

Омон ва Соҳиб буйруққа биноан ишни бошлашади.

— Кимнинг машинаси бу — Соҳиб ҳайрон бўлиб сўрайди Омондан. — Ўзи тузуккина ҳолатда экан-ку, нима сабабдан уни қисмларга ажратаяпмиз?

Омон секин ўғринча атрофга аланглаб қўйди.

— Тш..ш, фақат орамизда қолсин, дадамнинг айтишича, машинанинг ҳайдовчиси қўлоёқлари боғланган ҳолда бир пана жойга яшириб қўйилган экан. Манави "тойчоқ"нинг ишини тинчитганимиздан сўнг уни қўйиб юборарканмиз.

Буни эшитган Соҳибни ваҳима босади. Аммо машина босқинчилик йўли билан қўлга киритилганини билса-да, содир этилган ўта оғир жиноят ҳақида тегишли идораларга хабар бермасдан, аксинча, жиноят предмети бўлган автомашинани қисмларга бўлиш, ранги ва русумини ўзгартиришда фаол қатнашади.

Обид Носиров эса ўз жиноий режасига бегонани эмас айнан ўзининг 1987 йилда туғилган ўғли Омон Носиров ва шогирди Соҳибни аралаштираётганига сира ачинмади. Шу куни кечгача автомашина қисмларга ажратилиб, кузов қисми оқ ранг билан грунтовка қилинди, русуми "Ваз-2106"дан "Ваз-2103" га айлантирилиб, қайта таъмирланди.

Обид тайёр автомашинанинг бўёғи қуригач, автомашина рақамини ўзида бўлган фуқаро Ф.Султонов номидаги техник гувоҳнома рақамига ўзгартиради. Омон эса бу орада отаси гумдон қилиш учун берган марҳум Н.Сафаровга тегишли уяли телефон аппаратини танишлари орқали бир аёлга сотади.

* * *

Қариндошлари 2008 йил 17 сентябрь куни ишга кетганича қайтиб келмаган Неъмат Сафаровни топишда ёрдам беришларини сўраб ИИБга ёзган аризасига биноан қидирув ишлари бошлаб юборилди. Н.Сафаров бошқарувидаги 15V 46 27 давлат белгили "Ваз-2106" автомашинага ҳам қидирув эълон қилинди.

* * *

Бедарак йўқолган деб эътироф этилаётган Неъмат Сафаров ва унинг машинаси ҳадеганда топилавермади. Фақатгина марҳумга тегишли бўлган телефон воқеликка аниқлик киритди. Телефонни сотиб олган шахс уни ишлата бошлаганидан сўнг топилиб, телефон қачон қаерда ва ким томонидан унга сотилгани ўрганилди. Бу эса калаванинг учини Омон Носировга келтириб боғлади. Омоннинг отаси — муқаддам 4 марта судланган Обид Носировнинг автомашиналар таъмири билан шуғулланиши занжир бўлиб бир-бирига уланиб кетган жиноятни фош этди. Бироқ, бу пайтда Обид Носиров аллақачон ғойиб бўлишга улгурган, уйидагилари ҳам уни бедарак йўқолган дейишмоқда эди.

Қишлоқда ҳар қандай гап яшин тезлигида тарқалади. "Ҳайдовчиси йўқолган автомашинани О.Носировнинг уйидан топишибди" деган шов-шувни бутун қишлоқ эшитади. Соҳибнинг онаси Шарифа опа ўғли ва Обид ҳамда Омон Носировлар томонидан ранги кўчирилиб, янгитдан таъмирланган машинани кўз олдига келтириб, бўлган воқеани эрига гапириб беради. Шундан сўнг ота-онасининг қистови билан Соҳиб Равшанов прокуратурага бориб, бор гапни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларига айтади.

* * *

2008 йил, 13 ноябрь. Катта Фарғона каналининг Тожикистон Республикаси "Конибодом" сув тозалаш иншооти билан туташган ҳудудидан номаълум эркак кишининг танаси топилди. Ўтказилган суд тиббий ва биологик экспертиза жасад Н.Сафаровга тегишлилигини исботлади.

Бу пайтда О.Носиров Чимён қишлоғида яшириниб юрарди. Аммо унинг яширинишига ёрдам берган Қаҳрамон исмли фуқаро виждон азобидан қийналиб, ички ишлар идорасига бориб, бу ҳақда маълум қилади.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир нечта моддаларида кўрсатилган жиноятни содир этган Обид Носиров, 1987 йилда туғилган Соҳиб Равшанов ва Омон Носировлар устидан ўз ҳукмини эълон қилиб, уларга тегишли тартибда жазо тайинлади.

Ҳа, жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмайди. Юқоридаги қотилликни содир этган кимсанинг юзи эл-у юрт олдида бир умрга қора бўлди. У ўз фарзанди ва яқинларини ҳам жиноятга бошлади. Лекин... ўйлаб кўринг, қарздан қутулиш учун шундай қабиҳ йўлга кириш шартмиди? Бундан ўзга чора топишнинг имкони наҳотки йўқ эди? Йўқ ҳаммаси нафс қутқуси, ожизлик ва калтабинлик туфайли содир этилди. Энг даҳшатлиси бир инсон умрига зомин бўлинди. Минг афсус!..

**Ғанишер АБДУСАЛОМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори,**
**Нилуфар ЖУМАЕВА,**
**журналист.**

# ДУНЁДА НИМА ГАП?

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

## ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФГА САЗОВОР

O'ZSANOATQURILISHBANK

*Маълумки, юртимиздаги йирик молиявий муассасалардан бири — "Ўзсаноатқурилишбанк" ўтган йили мамлакатимиз истиқболига оид йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш, саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ва таъминот корхоналарига молиявий хизмат турларини кўрсатиш, қатор тармоқларни модернизация қилишдан тортиб, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги жараёнда ишончли, барқарор ҳамда самарали ишларни амалга оширгани учун жаҳонга машҳур "Fitch Ratings" халқаро рейтинг агентлигининг истиқболли ва ишончли кўрсаткичли кредит рейтингини олишга муваффақ бўлган эди.*

Қувонарлиси, жаҳоннинг нуфузли халқаро рейтинг компанияси "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг 2008 йил ва жорий йилнинг биринчи чораги якунлари бўйича қўлга киритган кўрсаткичларини таҳлил қилиб, ўтган йили берилган рейтингдан ҳам юқорироқ баҳога муносиб деб топди. Унга кўра, молиявий муассасанинг узоқ муддатли кредитга лаёқатлилик даражаси бундан ҳам юқори — "В" даражага, рағбат рейтинги бўйича ҳам баланд поғона — "4" гача кўтарилди. Халқаро рейтинг компаниясининг бу эътирофи нафақат минтақа ёинки Осиё давлатлари учун, балки дунёнинг энг ривожланган банклари учун ҳам ҳавас қилса арзийдиган кўрсаткичдир.



Бутун дунё давлатларини жаҳон молиявий инқирози ўз домига тортиб бораётган бир пайтда, бундай улкан ютуқни қўлга киритиш, аввало Юртбошимиз томонидан банк-молия тизимида оқилона сиёсат олиб борилаётганидан далолат беради. Давлатимиз раҳбарининг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли китобида илгари сурилган ноёб фикрлар ва бу инқирознинг мамлакатимизга таъсирини янада камайтириш борасида белгиланган чора-тадбирлар ҳамда уларга асосланиб, амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳар бир инсон қалбида катта умидлар уйғотади. Чунки шундай қалтис шароитда ҳам халқаро миқёсда эътироф этилаётган молиявий муассасаларимиз келажакда бундан-да катта ютуқларни қўлга киритишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Албатта, ўрни келганда "Ўзсаноатқурилишбанк" жамоаси бу ютуқларга ўз-ўзидан эришмаганини таъкидлаш жоиз. Бунинг замирида, аввало, молиявий муассасанинг Президентимизнинг "Тижорат банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ва уларнинг иқтисодиётини модернизация қилиш ва инвестициявий жараёнларида иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги қарори ва Давлат дастурлари талабларининг ижроси, банкнинг таркибий-ташкилий тузилмасининг такомиллаштирилгани, иқтисодий нуфузи ва салоҳиятининг янада мустаҳкамлангани ётади. Айни пайтда бир миллионга яқин мижозларга эга молиявий муассасанинг уч ярим минг кишилик жамоаси юртимизнинг турли ҳудудларидаги 43 та филиал, 100 га яқин минибанк, 200 га яқин жамғарма касса ва бошқа шохобчалар орқали аҳоли ва мижозларга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Қўлга киритилаётган ютуқлар самараси ўлароқ, шу йилнинг 1 июль ҳолатига унинг ўз капитали 177 миллиард сўмга етказилган бўлса, жами умумий активлар ҳажми 1,6 триллион сўмдан ошди. Молиявий муассаса йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдан ташқари аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик ва касаначиликнинг ривожига ҳам ўзининг муносиб улушини қўшиб келмоқда.

Кейинги йилларда банк томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини такомиллаштириш, нақд пулнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, хизмат кўрсатиш харажатларини камайтириш ҳамда пул маблағларини сақлаш ва фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ҳам мақтаса арзигулик бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Молиявий муассасанинг пластик карточкалари аҳоли ва мижозлар ўртасида ўзининг ҳар томонлама афзаллигини кўрсатаяпти. Масалан, улардан республикамизнинг исталган ҳудудида бемалол фойдаланиш мумкин, қолаверса, унинг эгаси йилига 24 фоизгача даромад олади.

2000 йилдан мижозларга пластик карточкалар орқали малакали хизмат қилиб келаётган мазкур банк 2002 йилдан "VISA" халқаро ассоциациясига аъзо бўлиб, қарийб етти йилдан буён мазкур тизимнинг энг замонавий ва ишончли хизмат турларини кўрсатиб келаяпти. Жумладан, жорий йилнинг 1 июнига қадар банкнинг "VISA" пластик карточкалари орқали 4 миллионга яқин транзакциялар ўтказилиб, 100 миллиард сўмдан зиёд тўловлар амалга оширилгани ҳам сўзимиз исботидир.

Айни пайтда банкнинг ҳамма филиаллари томонидан халқаро "VISA" терминаллари орқали DUET тизимида ишлайдиган жами карточкаларини қабул қилиш йўлга қўйилган. Шу йилнинг бошидан ҳозирга қадар мазкур тизимдаги пластик карточкалар орқали 28 миллиард сўмлик тўловлар амалга оширилди.

Банкнинг халқаро "VISA" пластик карточкалари савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларидаги терминаллар орқали тўловларни online режимида амалга ошириши ҳам бу ерда олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг бир бўлаги, десак янглишмаймиз. Молиявий муассаса томонидан эмиссия қилинаётган АҚШ долларидаги "Visa Elektron" ва "Visa classik" пластик карточкалари жаҳоннинг барча мамлакатида ("VISA" халқаро ассоциациясига аъзо бўлган банкларнинг шохобчаларида) бир хил тўлов қобилиятига эга.

Молиявий муассаса томонидан юридик ташкилотлар учун таклиф этилаётган корпоратив "Visa Business" пластик карточкалари ҳам ташкилотларга кундалик ва хўжалик харажатлари учун нақд пулсиз тўловларни амалга оширишда катта қулайликлар яратиб бермоқда.

Мазкур кенг салоҳиятга эга ишларнинг янада самарали бўлишида давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 апрелдаги "Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектларидаги бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бундан кўриниб турибдики, янги лойиҳалар ва ғоялар бўйича изланаётган, сифатли хизмат турларини кенгайтириш юзасидан иш олиб бориб, мижозлар манфаати учун қайғураётган банк жамоаси чиндан ҳам ҳар қандай эътирофга лойиқ.

**Ислом СУЛТОНОВ,**
**"Hurriyat" мухбири.** ®

ДАРАКЛАР

### Қуёш электростанциялари қурилади



Европадаги ўн иккита компания Африка ва Яқин Шарқ мамлакатлари ҳудудида қуёш электростанцияларини қуришни бошлади. Бу иш учун 400 миллиард евро сарфланади. Ушбу электростанциялар бутунлай ишга тушгач, Европага зарур бўлган электр энергиясининг 15 фоизини етказиб беради. Мазкур электростанциялар, шунингдек, қайси давлат ҳудудида жойлашган бўлса, ўша давлатга ҳам электроэнергия тарқатади.

Ҳозирча "Desertec саноат ташаббуси", деб номланган ушбу консорциумга кўҳна қитъанинг ABB ва Siemens каби концернлари, шунингдек, E.On, RWE энергия компанияси, Deutsche Bank банки, Munich Re суғурта компанияси ва бошқа катта йирик корхоналар бирлашган.

### Эгасиз маҳсулотлар



Москвадаги Черкизова бозори шу йилнинг июнь ойи бошларида ёпилган эди. Россия ҳуқуқ-тартибот идоралари олиб борган текширувлар натижасида бозорда жуда катта миқдорда, яъни 2 миллиард долларлик ноқонуний моллар борлиги аниқланди. Энг қизиғи, ушбу маҳсулотнинг эгаси ҳамон топилгани йўқ.

Бозорнинг собиқ директори Тельман Исмоилов эса Туркияда 1,3 миллиард долларлик меҳмонхонани қуриб, фойдаланишга топширди. Унга нисбатан жиноий иш очилган.

Черкизова бозоридаги ноқонуний молларни чиқариб ташлаш учун бир неча ой вақт керак. Бу ҳақда РИА Новости мухбирига шаҳар матлубот департаменти раҳбарининг биринчи ўринбосари Григорий Смолдевский айтди. Унинг таъкидлашича, сўнгги кунларда 1500 машина юк олиб чиқиб кетилган.

Хабарларга қараганда, бозорнинг ёпилиши туфайли 100 минг нафар одам ишсиз қолган. Уларнинг кўпчилигини муҳожирлар ташкил этади.

### Элчихонада ёнғин



Ироқнинг Бокудаги элчихонасида кутилмаганда ёнғин бошланди. Бунга бинонинг иккинчи қаватида электр симининг ёниб кетиши сабаб бўлган. Озарбойжон Фавқулодда вазиятлар вазирлиги вакили Акбар Наврўзовнинг таъкидлашича, ёнғин элчихона жуда эски бинода жойлашгани учун келиб чиққан.

Кеча куннинг иккинчи ярмида бошланган ёнғин тезлик билан ўчирилган. Дастлабки маълумотларга қараганда, ҳеч ким жабрланмаган. Ёнғин бошланиши билан элчихонанинг барча ходимлари кўчирилган.

### Иқтисодий инқироз оқибати

The New York Times Co медиакорпорацияси ўзига қарашли Нью-Йоркдаги WQXR-FM радиостанцияни 45 миллион долларга сотиш бўйича шартнома тузди. WQXR-FMни АҚШдаги энг йирик WNYC Radio жамоатчилик радиостанцияси сотиб олмоқчи. Яқин ойларда корпорацияда штатлар қисқариши ва ходимларнинг ойлигини музлатиб туриш ҳам кутилаяпти. Бундан ташқари The New York Times Co 1993 йили 1,1 миллиард долларга харид қилган The Worcester Telegram and Gazette нашрини ҳам сотишни режалаштирмоқда. Корпорация, шунингдек, Манхеттендаги штаб квартирасининг бир қисмини сотиш эвазига мексикалик миллиардер Карлос Слимдан 250 миллион доллар қарз олишни мўлжаллаяпти.

The New York Times Co вакилининг таъкидлашича, иқтисодий қийинчиликлар туфайли корпорация раҳбарияти шундай қарорга келган.

### Табиий офат туфайли

Белоруснинг айрим вилоятларида рўй берган момақалдироқ, кучли ёмғир ва шамол натижасида 240 та аҳоли пункти жабр кўрди. Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлиги хабарларига қараганда, ҳозирда электр энергияси таъминотини тиклаш ишлари охирига етай деб қолди.



Минск ва Могилевда дарахтларнинг қулаши натижасида олтита машина пачақланди. Свитязь кўли бўйида чақмоқ уриши туфайли бир дарахт қулаб тушди. У бир неча одамга зарар етказди. Бир гўдак олинган жароҳат туфайли вафот этди. Табиий офат оқибатларни тиклашга кўплаб техника ва одамлар жалб қилинди.

### Айб кимда?



Афғонистоннинг Кундуз шаҳрида немис аскарлари икки нафар тинч аҳолини отиб ўлдиришди. Аскарларнинг таъкидлашича, салонида тўрт нафар одам бўлган автомобиль катта тезликда ўтиш назорат пунктига яқинлашган. Аскарларнинг ҳавога ўқ отиб огоҳлантиришларига эътибор бермаган. Кейин улар машинанинг балонига қарата ўқ узишган. Лекин бир ўсмир ҳалок бўлган. Қолган уч киши жароҳатланган. Касалхонага олиб бораётган пайтда уларнинг бири вафот этган.

Ҳозир Афғонистонда ҳаммаси бўлиб 3700 нафар немис аскарлари хизмат вазифасини ўтамоқда. Шу ой бошида Бундестаг немис аскарларининг Афғонистонда бўлиш муддатини жорий йилнинг 13 декабригача узайтиришга ва аскарлар сонини 4500 нафарга етказишга овоз берди. Suddeutsche Zeitung хабарига қараганда, шу кунгача немис ҳарбий қўмондонлиги Афғонистонда 35 нафар аскаридан айрилди.

### Ҳиндистонда сув тошқини

Ҳиндистоннинг жанубий штатлари Керал ва Ориссда сув тошқини юз берди. Натижада 130 нафар киши қурбон бўлди. Биргина Кералда 24 минг нафар аҳоли ўз жойларни ташлаб кетди. Улар ҳозир палаткаларда кун кечирмоқда.

Сув тошқини туфайли қишлоқ хўжалиги катта зарар кўрди. 8700 гектардаги экинлар сув остида қолди. Шунингдек, кўплаб чорва моллари оқиб кетди. Тошқин оқибатида 600 та уй бутунлай бузилди, 13,5 мингта уй таъмирга муҳтож.



ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, сув тошқини мамлакат хазинасига ҳаммаси бўлиб 2,25 миллиард рупий (47 миллион доллар) миқдорида зарар етказган.

### Қурбонлар бўлмади

Германиянинг Кельн шаҳри яқинидаги трассалардан бирида Испанияга дам олишга кетаётган болалар ва ўсмирлар минган автобус олдинда кетаётган юк машинаси билан тўқнашиб кетди. 60 ёшли автобус ҳайдовчиси айби туфайли бу фалокат рўй берган. Дастлабки маълумотларга қараганда, ҳайдовчи жиддий жароҳатланган ва касалхонага ётқизилган. 16 нафар бола енгил тан жароҳати олган. Улар Кельн университети касалхонасидан текширувдан ўтгач, чиқариб юборилган. Автобусда ҳаммаси бўлиб 60 нафар бола ўтирган эди.

### Гаровга қўйилган меҳмонхона

Туркиядаги беш юлдузли Sungate Port Royal меҳмонхонаси тез кунларда Vakif Bank нинг мулкига айланиши мумкин. Гап шундаки, меҳмонхонани Россиянинг Mirax Group компанияси 2007 йилда 340 миллион долларга сотиб олганди. Ўша пайтда Mirax Group Vakif Bankдан 150 миллион доллар қарз олган ва меҳмонхонанинг ўзини гаровга қўйганди.

Меҳмонхонанинг эгаси Сергей Полонский бу ерда иккита дам олиш ҳудуди ташкил этишни режалаштирганди. Аммо иқтисодий инқироз туфайли бу иш амалга ошмай қолди. Натижада меҳмонхона ўзини оқламай қарзни ўз вақтида қайтаришнинг имкони бўлмади.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ФАОЛИЯТ

## Юрт равнақига муносиб ҳисса

*"Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкнинг Қашқадарё вилояти Косон туманидаги филиали жорий йилнинг ўтган олти ойида мижозларига 10 миллиард 379 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратди.*

Шундан 1 миллиард 749 миллион сўм етиштирилган ғалла ҳосилини йиғиб-териб олишга, пахтадан юқори ҳосил олиш учун 4 миллиард 230 миллион сўм, қишлоқ хўжалиги учун машина-механизмларни лизинг асосида харид қилишга 1 миллиард 893 миллион сўм маблағ ажратиб, мижозларини хушнуд этди. Бугуннинг муҳим ижтимоий тадбирларидан бири — шахсий ва ёрдамчи хўжаликларда чорвачиликни ривожлантириш орқали ишсиз одамларни иш билан таъминлашга 42 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Таъкидлаш ўринлики, Юртбошимизнинг 2007 йил 21 майдаги "Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини молиялаштиришга 262 миллион сўм кредит берилди.

— Биз туманимиз аҳлига истеъмол кредитлари ажратишга ҳам жиддий эътибор қаратаяпмиз, — дейди "Микрокредитбанк" ОАТБнинг Косон туман филиали бошқарувчиси Дилшод Мўриев. — Чунки бу тадбир катта ижтимоий аҳамиятга эгадир. Шунингдек, аҳолининг банкларга бўлган ишончини ошириш йўлида ҳам бир қатор ишларни амалга ошираяпмиз. Хусусан, жорий йилнинг номланишидан келиб чиқиб, "Тараққиёт" ҳамда "Фаровонлик" деб номланган омонат турларининг жорий этилгани фикримизнинг тасдиғи бўла олади. Умуман олганда, банкимиз тизимида 26 турдан кўпроқ омонатлар бўйича аҳолининг бўш пул маблағларини қабул қилаяпмиз.

Дарҳақиқат, Косондаги мазкур молия муассасасида аҳоли қўлидаги миллий ва хорижий валютани омонатларга қабул қилишда, қабул қилинганларига тўланадиган фоизларнинг ўз вақтида ҳисобланаётгани боис, мижозларга тўлаб беришда муаммолар бўлмаяпти.



*Суратда: "Микрокредитбанк" ОАТБнинг Косон филиали бошқарувчиси Дилшод Мўриев иш устида.*

Бу ерда юридик шахслар билан ишлаш ҳам намунали йўлга қўйилган. Сифатли банк хизмати ташкил этилганини қуйидаги рақамлардан ҳам билса бўлади. Жорий йил бошида мазкур молия маскани 927 та юридик шахсга хизмат кўрсатган бўлса, бугунга келиб улар сонини 1263 тага етказишга эришди. Бу бир туманда бир неча рақобатчи банклар филиаллари ишлаб турган айни кунларда яхши кўрсаткич, деса бўлади.

**С.ҲАЙДАРОВ** ®

ТУҲФА

**Журналистикада ҳам адабиёт каби қатор жанрлар мавжуд бўлиб, ахборот тарқатиш, воқеликни шарҳлаш ва таҳлил қилиш жараёни ранг-баранг жанрлар воситасида амалга оширилади. Бошқача айтганда, журналистика жанрлари ижтимоий ҳаётнинг талаби асосида мавжуддир ва унга монанд ривожланиб боради. Ахборот эса журналистик материалнинг асоси ҳисобланади. Журналист ўз ишини фақат ахборотга, янгиликка таянган ҳолда амалга ошириши мумкин. Ахборотлар топилади, олинади ва кўп ҳолларда журналистиканинг асоси бўлмиш ахборот жанрлари воситасида тарқатилади.**




## АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

"Репортёрлик маҳорати" ўқув қўлланмасидаги мавзулар ихчам, лўнда, қизиқарли ва ширали тилда, айни пайтда илмий асосда тайёрланган. Унда янгиликлар, репортаж, интервью, суҳбат, ҳисоботнинг жанр хусусиятлари мисоллар ёрдамида тушунтириб берилган. Таъкидлаш лозимки, қўлланмада янгиликларнинг давлат ва жамият тараққиётига таъсири, янгиликлар таҳрири масалаларининг ёритилиши сезиларли даражада такомиллаштирилган. "Ахборот олишнинг ҳуқуқий кафолатлари" мавзуси ҳам Ўзбекистон Республикасининг янгиланган "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги ва "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонунларининг талқини билан бойитилган.

Қўлланмани тайёрлашда Президент Ислом Каримов асарларидан кенг фойдаланилган. Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситаларига оид қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, миллий классик, замонавий журналистлар тажрибаси ва асарлари, хорижий нашрларда чоп этилган илмий ва амалий материаллар қўлланма мавзуларининг ранг-баранглиги ҳамда таъсирчанлигини оширган.

Қўлланманинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, ундаги мавзуларга миллий истиқлол ғоялари моҳирлик билан сингдирилган. Соҳадаги, умуман, фан ва техника оламидаги энг сўнгги янгиликлардан унумдорлик билан фойдаланилган. Хусусан, ривожланган мамлакатлар оммавий ахборот воситалари, педагогикаси тажрибаси ҳамда технологияларидан самарали фойдаланиш қўлланманинг сифат ва савиясини, долзарблигини оширган. Айни пайтда маърузаларнинг миллий руҳи, ўзига хослиги ҳам сақлаб қолинган.

Юқори савияли кўргазмали материаллар — миллий ва хорижий газета-журналлар, радио-телевидение материалларининг етарли миқдорда берилиши мавзулар таъсирчанлигини оширган. Ҳар бир мавзуга таянч ибора-ю, солномаларнинг илова этилиши эса улардаги мазмун ва моҳият изчиллигини таъминлаган.

Филология фанлари номзоди Ҳалим Саидов ва ЎзДЖТУ тадқиқотчиси Наргиза Тўхлиеванинг "Жаҳон журналистикаси турлари ва ёзиш маҳорати" курсининг "Янгиликлар ёзиш" ва "Репортёрлик маҳорати" қисмлари бўйича яратилган бу қўлланмага Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан рухсат берилиб, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган ўқув қўлланмаси халқаро журналистика факультетининг ўқув режасига ҳамда давлат таълим стандартига тўла мувофиқ келади.

Ўқув қўлланма муаллифларининг соҳада ҳам назарий, ҳам амалий фаолият олиб боришлари мавзуга чуқур киришиш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилганини эътироф этиш жоиз.

Таъкидламоқ керакки, "Репортёрлик маҳорати" фанидан тайёрланган бу ўқув қўлланма Ўзбекистонда етук журналист кадрларни тайёрлашда катта роль ўйнайди.

**Сайди УМИРОВ,**
**филология фанлари номзоди, доцент.**

ЁДНОМА

# Эзгу ном, ёрқин хотиралар

*Дунё тамаддунига буюк кашфиётлари билан улкан ҳисса қўшган улуғ ватандошларимиз довруғи ҳавас қилса арзигуликдир. Илк Уйғониш давридаёқ Туронзаминдан қомусий билим соҳиблари етишиб чиққанига жонли тарихимиз шоҳид. Чор Россияси мамлакатимизни босиб олгандан кейин ҳам тошда ўсган гул каби ноёб истеъдодлар илмий салоҳиятини намойиш этиб келди. Ана шундай қомусий билимларни ўзида мужассам этган ноёб истеъдод соҳиби Саъди Сирожиддинов эди.*



Мамлакатимизнинг етакчи илм даргоҳи — Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) ректори лавозимида фаолият кўрсатган йиллари дорилфунунда таҳсил олган талабалар қатори камина ҳам у кишининг ғамхўрликларини туйганман. Бўлиб ўтадиган катта-кичик тадбирларда у инсон билан мулоқотда бўлиш менга ҳам насиб этган. Домланинг нутқлари равон, ўзбек ва рус тилларида бирдай эркин сўзлар, гап оҳангидаги камтарлик эркин суҳбат ва ижодий мулоқот муҳитини таъминларди. У профессор-ўқитувчиларга қандай муносабатда бўлса, талабалар билан ҳам худди шундай муомалада бўлар, шу боис биз ҳар қандай муаммо, таклиф ва мулоҳазаларимизни бемалол айта олардик. Саволимиз жавобсиз қолмас, муаммолар ўз вақтида ижобий ечимини топарди.

— Биз барчамиз Саъди Ҳасановични ҳурмат қилиб, кишининг одамшавандалиги, билимдон, зукколиги-ю, оқ кўнгиллиги учун сидқидилдан яхши кўрардик, — дея хотирлайди академик Ёлкин Тўрақулов. — Саъди Сирожиддинов ажойиб суҳбатдош, қадим Турон, араб дунёси, Ҳиндистон, Кичик Осиё тарихи ва маданиятининг билимдони эди. Улуғ бобокалонларимиз Беруний, Ибн Сино, Форобий, Улуғбек ва бошқаларнинг нодир асарларини замондошларимизга танитишда ҳам хизматлари беқиёс. Шунингдек, Алишер Навоий, Фирдавсий, Умар Ҳайём каби мумтоз шеърият даҳоларининг лирик-фалсафий шеър-у, достонлари, бетакрор асарларини чуқур ўрганибгина қолмай, балки кўпгина ғазал, рубоийлар, тўртликларни ёд билар ва тез-тез давраларда ўқиб берарди. Саъди Ҳасанович жаҳон ва рус адабиёти намояндаларидан Гомер, Данте, Шекспир, Пушкин, Лермонтов, Гёте, Байрон, Толстой ва бошқа қатор қалам соҳибларининг ижодини жуда яхши биларди.

"Озгина шоирлиги бўлмаган одам ҳақиқий математик бўла олмайди", деган экан буюклардан бири. Ҳақиқатан ҳам муҳтарам домламиз табиатига шоирлик фазилати бегона эмас эди. Талабалик кезларимизда бунга кўп марта гувоҳ бўлганмиз. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг эллик йиллиги арафасида Ўзбекистон миллий университетининг маданият саройи шеърият мухлислари билан тўлган ҳаяжонли дақиқаларни кўп эслайман. Бу тадбирга ректорнинг ўзи бошқош бўлганди.

— Домла Саъди Сирожиддинов адабиётни, хусусан, миллий адабиётимизни жуда қадрлардилар, — деб эслайди шоир Муҳаммад Раҳмон. — 1967 йили Тошкент давлат университетининг эски биноси (ҳозирги Амир Темур хиёбони) да Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг 60 йиллиги нишонланганди. Тантанага домланинг шахсан ўзи етакчилик қилгани ёдимда. Ҳолбуки, ўшанда замон қалтис, "тили аччиқ" ёзувчига муносабат ҳам ўзгача эди.

Домланинг ташаббуси билан илм даргоҳида нафақат республикамиз, балки халқаро миқёсдаги тадбирлар ҳам тез-тез бўлиб турар эди.

— 1983 йил 8-13 сентябр кунлари юртимизда ЮНЕСКО қарори билан Ал-Хоразмий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтганди, — дея хотирлайди академик Восил Қобулов. — Бу бир умр эсда қоладиган воқеа эди. Саъди Ҳасанович бундай нуфузли тадбирнинг асосий ташкилотчиларидан бўлиб, симпозиумнинг Тошкент ва Хоразмда ўтказилган мажлисларида иштирок этганди.

С.Сирожиддинов тиниб-тинчимас, чарчаш нималигини билмасди. Талабалар ётоқхоналарини ўз кўзи билан кўриш учун бирма-бир айланиб чиқар, ҳатто пахта терими пайтида ҳам аҳволимиздан хабар олиб турар, талабаларни йиғиб самимий мулоқотда бўларди. Домланинг бундай ажойиб фазилатлари, инсонийлиги ҳақида ибратомуз воқеаларни кўп эшитганмиз.

Домла Москва давлат университетида ишлаб юрган кезларида таътилга чиқиб, юртига жўнабди. "Москва — Тошкент" поездининг купеларидан бирига жойлашибди. Уч-тўрт кунлик йўлда купедагилар навбатма-навбат чой, озиқ-овқат ташиб, гурунглашиб келишаркан. Ўз навбатида домла ҳам купедаги ҳамроҳлари хизматида бўлибди. Поезд манзилга яқинлашганида бир йигит: "Оғайнилар, Тошкентга яқинлашиб қолибмиз-ку, шунча йўл юриб, бир-биримиз билан тузукроқ танишиб ҳам олмабмиз? Мен фалон олий ўқув юртининг аспиранти Фалончи Пистончиев бўламан, билиб қўйсанглар зарар қилмайди", дея биринчи бўлиб ўзини таништирибди. Қолган икки ҳамроҳ охирги курс талабалари бўлиб, димоғдорлик билан ўқишни битиришаётганини айтишибди. Таништириш навбати ўттиз ёшлар атрофидаги ўрта бўй, қуюқ қошли йигитга келгач, у босиқлик билан мен МДУ профессори Саъди Сирожиддинов бўламан, дейиши билан ўтирганлар баравариға ўринларидан туриб кетишибди: "Узр домла, сиз ҳақингизда кўп эшитиб, доимо фахрланиб юрамиз. Билмай иш буюриб қўйибмиз-ку сизга", — дея қайта-қайта узр сўрашибди. Шунда домла: "Ҳечқиси йўқ, кемага тушганнинг жони бир", деб қўйибди камтарона жилмайиб.

Академик Иброҳим Ҳамробоев (марҳум) ўз хотираларида шундай ёзганди: "Саъди Ҳасанович ЎзФАнинг вице-президенти бўлиб турган вақтларида Геология ва геофизика институтига ҳам раҳбарлик қиларди. Биз у киши билан геологияга оид масалалар тўғрисида суҳбатлашардик. Бу соҳада Саъди Ҳасанович Мурунтов конида бурғулаш қудуқларини қай тартибда жойлаштириш тўғрисида Навоий кон-металлургия комбинати раҳбариятига ўз тавсияларини айтган".

— Саъди Ҳасанович жуда камтар, самимий инсон эди, — дея хотирлайди домланинг рафиқаси Муносибхон ая. — Бизга шаҳар марказидан кўп қаватли уйлардан бирининг учинчи қаватидан бошпана бериладиган бўлди. Домла янги турар жой билан танишиш учун борганида ёзувчи Комил Яшинни йўлакда учратиб қолади. "Э, домла, қўшни бўлар эканмиз-да, менга охирги қават насиб этган экан", — дейди ёзувчи юқорига ишора қилиб. Шунда домла камтарлик билан: "Сиздай ажойиб инсон билан қўшни бўлганимдан хурсандман. Ижодкорларга ҳурматим жуда баланд, сиздан кўра ёшроқмиз, тўртинчи қаватга биз чиқиб яшай қолайлик", деб ҳали кўчиб кирмасдан хонадонни алмаштирган эканлар.

...Домланинг шахсан каминага қилган бир яхшилигини умрбод унутмайман. Олийгоҳнинг кундузги бўлимида ўқиб юрганимда фарзандли бўлдим. Рўзғорнинг залворли юки елкамда. Таҳсилни кечки ёки сиртқига ўтказишга роса ҳаракат қилдим, елиб-югурдим. Аммо факультет раҳбарияти "Аризанг йўқолиб қолди, келаси йил яна ариза билан мурожаат этасан, ўйлаб кўрамиз", дея баҳона қилди.

Шу воқеа сабаб бўлиб ректоримиз Саъди Сирожиддинов қабулига ариза кўтариб кирдим. Домла сўзимни эътибор билан тинглаб, аризамнинг бир четига: "Проректорга! Кўриб чиқиб, ижобий ҳал қилинг!" дея ёзиб имзо қўйдилар. Ҳаяжон ила домлага миннатдорчилигимни изҳор қилиб кечки ва сиртқи бўлимлар бўйича проректори, профессор Полвон Бобоевич Азизов (раҳматли у киши ҳам яхши инсон эди) қабулига кирдим. У киши "Журналистика факультети декан муовинига бориб учрашгин", дедилар. Аризамни олиб факультетга югурдим. Декан муовини "ўн-ўн беш кун ичида ҳал қилиб бераман, ҳовлиқма", деб қовоғини уйиб аризамни олиб қолди. Орадан бир ой ўтди ҳамки, буйруқдан дарак йўқ. Афсуски, бу аризам ҳам турли сабабларга кўра "йўқолиб" қолибди.

Ноилож яна ректорнинг қабулига киришга мажбур бўлдим. Домла мени таниб: "Ҳа, ишинг ҳал бўлмадими, ўғлим? Ҳозир ижобий ҳал қиламиз, сенга ҳам осон эмас, олахўржин бўйнингга тушгандан кейин иш ўқишингга қаршилик қилмаслиги керак, албатта", деди. Ўпкам тўлиб турган эди, йиғлаб юбордим. Саъди Сирожиддинов беш-олти дақиқа ичида проректорларни тўплади. Домла ҳаммага қарата: "Бу йигитнинг аризасига шахсан ўзим "виза" қўйиб бергандим, олдинги аризасини йўқотишган экан, буни ҳам йўқотиб қўйишибди. Бу қандай масъулиятсизлик!" деди.

Шундан сўнг домла аризамга яна бошқатдан имзо қўйиб, уни менга бермай, тўғридан-тўғри кечки ва сиртқи бўлимлар бўйича проректорга: "Гувоҳлар иштирокида бераяпман, энди йўқолиб қолмас", дея узатди. Ҳамма кулиб юборди. Шу воқеадан сўнг кечки бўлимга ўтишим тўғрисидаги буйруқ тезда тайёр бўлди.

Яхши инсондан эзгу ном, ёрқин хотиралар қоларкан. Бундай кишиларни ширин энтикиш билан ёдга олиш ҳам ажиб саодатдир.

**Азамат СУЮНОВ,**
**журналист.**

ЎТМИШ

# *Генерал Жўрабекнинг чевараси*

**Норқобил деган дўстим "Сени бир фариштасифат момо билан таништираман", — деб мени Қарши шаҳрининг Бешкент ариғи бўйидаги ўн олтинчи хонадонга бошлади. Уйда онахон ёлғиз экан. Бизни кўриб, у кишининг юзида хурсандчилик белгиси пайдо бўлди.**
**— Келинглар, болаларим ўтиринглар, — деди ая бир менга, бир ҳамроҳимга юзланиб. Онахонга қарайман. Қўлида оқ тошли тасбеҳ, диван устида мункайибгина ўтирибди.**



Бироз нафас ростлаб олганимиздан кейин дўстим онахонни "Ўзбекнинг биринчи генералларидан ҳисобланган Жўрабекнинг чевараси" деб таништирди. Шу лаҳза тарихчи олим Обод Жўрақуловнинг "Генерал Жўрабек қадрияти" рисоласини ўқиб чиққаним ва ундаги ўзбек генерали ҳақидаги хотиралар кўз ўнгимдан бир-бир ўта бошлади...

* * *

Жўрабек 1840 йили Китоб беклигига қарашли Гулгунпуш қишлоғидаги Қаландар қори ўғли хонадонида туғилган. 1852 йили Бухоро амири Насрулло Шаҳрисабзга бостириб кириб, шаҳар аҳлини асир олади. Улар орасида 12 ёшли Жўрабек ҳам бор эди. Тўрт йил амир хизматида бўлган Жўрабек, унинг ишончини қозонади ва тўқсабо (полковник) унвонини олишга эришади. Ўн олти ёшида эса тан олинган лашкарбоши лавозимини эгаллайди.

Амир Музаффар Бухоро амирлиги сарҳадларига тобора яқинлашиб келаётган чор Россияси қўшинларига қарши жанг эълон қилганда Жўрабек ва Бобобек бошлиқ Китоб ва Шаҳрисабз бекликлари Бухоро амири билан ўзаро низолари бўлса-да, бирлашиб жангда қатнашиш истагини билдирадилар.

Зирабулоқ яқинида бўладиган урушга тайёргарлик кетаётганида Самарқандда рус чоризмига қарши халқ қўзғолони бошланади. Самарқанднинг озодлиги учун курашаётган минглаб кишилар Жўрабек ва Абдумалик тўра бошчилигида Шаҳрисабздан келаётган 20 минг кишилик қўшин ва қасоскорларга қўшилиб, Самарқанддаги қўзғолончилар сафини тўлдиради. Натижада Самарқанд чоризмга қарши умумхалқ курашининг ўчоғига айланади.

Аммо Фон Кауфман ҳийла ва катта куч билан Бухоро амирига адолатсиз сулҳга имзо чектириб, Россия империясининг измига бўйсундиришга эришади. 1870 йилнинг кузига келиб Китоб ва Шаҳрисабз бекликлари ҳам босиб олинади. Озодлик ҳаракати йўлбошчилари — Жўрабек ва Бобобек эса Қўқон хонлиги ҳудуди орқали Қашқарга ўтиб, у ерда куч тўплаб, душманга зарба бериш ниятида чекинишади. Бироқ, Қўқон хони Худоёрхон уларни ўз ҳудудида қўлга тушириб, Фон Кауфман ихтиёрига топширади...

Профессор Ш.Юсуповнинг ёзишича, асир сифатида Тошкентга генерал-губернатор ихтиёрига мажбуран жўнатилган Жўрабек билан Бобобек бу ерда анча вақт уй қамоғида сақлангач, Россия фуқаролигини қабул қилишга ва чор ҳукумати армияси хизматига ўтишга мажбур бўлишади. Шу тариқа Жўрабек 12 йил Туркистон генерал-губернаторлиги маъмуриятида таржимонлик қилади. Сўнг бу икки бек Қўқон хонлигининг Ўзган, Хўжанд шаҳарларини истило қилишда ҳамда М.Д.Скоблев отрядида Андижонни штурм қилишда қатнашади. "Китоб тумани" тўпламида таъкидланишича, Жўрабек Скоблев экспедициясига қўшилиб, Қўқон хонлигини қон тўкмасдан забт этишда ўзининг тактик маҳоратини намойиш этади...

Аммо кўп ўтмай Жўрабек чор Россиясининг Туркистон халқларига нисбатан амалга ошираётган сиёсатининг асл моҳиятини тушуниб етади ва унда норозилик кайфияти шаклланa бошлайди. Айниқса, Фон Кауфман вафот этиб, унинг ўрнига 1882 йилда генерал-губернатор этиб тайинланган генерал-лейтенант М.Г.Черняев даврида бу яққол сезилади. Жўрабек генерал Черняев фаолиятини очиқча танқид қилади, у тутган йўл адолатсиз эканини айтади. Черняевга нисбатан Туркистондаги норозилик уни 1884 йилда ўз юртига кетишга мажбур қилади. Ундан кейинги генерал губернаторлар Жўрабекнинг маҳаллий аҳоли ўртасидаги обрў-эътиборини инобатга олиб, у билан муносабатини яхшилашга уринадилар...

Кўплаб хизматлари учун 1876 йилда Жўрабекка подполковник, 1880 йилда полковник, 1901 йилда генерал-майор ҳарбий унвони берилади. Академик В.В.Бартольд "Туркистоннинг маданий ҳаёти" асарида генерал Жўрабек билан суҳбатда бўлгани ҳақида ёзади. Жўрабек шундай дейди: "Подшо (рус подшоси) ҳукмронлиги худди мўғул ҳукмронлигига ўхшайди. Уларда ҳам, русларда ҳам юқори лавозимларга ёмон кишилар — худбин, шахсиятпараст ва молпарастлар тайинланган".

1906 йил генерал Жўрабек Тошкентдаги Қорасув канали ёнидаги боғ ҳовлисида номаълум шахслар томонидан ўлдириб кетилади. Унинг ўлимини тарихчилар ва тадқиқотчилар турлича талқин қиладилар. Кимдир бу ишда Туркистон генерал-губернаторининг қўли борлигини айтса, баъзилар бунга унинг жадидлар отаси Исмоилбек Гаспирали билан махфий учрашувлари сабаб бўлган, дейишади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Жўрабекнинг сирли ўлими чор Россияси ҳукуматига бориб тақалади!

* * *

— Мен генерал Жўрабекнинг чеварасиман, - дейди ая. Хаёлдан чекиниб, яна юзларидан нур ёғилиб турган онахонга термуламан. У киши гапида давом этади:

— Генерал Жўрабек онам Шарофат аянинг бобокалони бўлган. Отам — Носирхон Исоқов эса Амир Саййид Олимхоннинг ғазначиси бўлиб ишлаган.

Ая чуқур хўрсинади, "уф" тортади, хотиралар силсиласида ғамгин қиёфага киради. Бир паст тин олиб яна давом этади:

— Онам Шарофат аянинг отаси яъни менинг бобом Оқсарой беги эди. Отам Қаршидан бориб, аямга уйланган. 4 та фарзанд кўришган. Опаларим Турсунпошшо, Меҳринисо, акам Муродхон ҳамда мен... 3 ёшда эканимда ота-онамдан ажралиб, етим қолганман. Етимнинг кўргани қурсин! Эҳ-ҳей!... Отам Носирхон Исоқовни Фрунзе оттирган... "Подшонинг ғазначиси бўлгансан, тиллоларни топиб бер", деган-да! Отам сир бой бермаган шекилли 6 ой қамоқда ушлашган. 1929 йиллар бўлса керак: отам ўзи билган — яширин хазиналарни уларга кўрсатган, аммо барибир уни ўлдиришган! 3 ёшлик бола нимани ҳам эслай оларди, болам. Менга бу ҳақда қамоқхонада отамга қоровуллик қилган Сойипов деган миршаб гапириб берганди. Ўшанда отам: "Русларнинг қўлида ўлмайин. Отса ҳам ўз миллатдошим Мулла Султонни чақиринглар, у отсин!" — дебди. Н осирхоннинг қатъий илтимосига биноан Мулла Султон ҳукмни ижро қилган экан...

Шундан сўнг амаким Отахон эшон ва янгам Ашурхон аянинг қўлида қолдим. Кўп азоб-уқубатлар чекдим. Қаровсизлик оқибатида касалликка чалиндим. Бир куни қизамиқ чиқиб, юқори ҳароратда бўлганман. Шунда янгам Ашурхон ая болаларига қизамиқ юқишидан қўрқиб, амакимдан яширинча Хўжаилғор қабристонига олиб бориб ташлаган. Мени яккабоғлик Наримон бобо деган киши топиб олиб, иккинчи амаким Икромхонга олиб келади. Етимга озор берсанг, Аллоҳнинг Арши ларзага келади-я, — дея роса гапиради. Бир йилдан сўнг, 4 ёшимдан яна Отахон эшон амакимизникида яшаганман. Йиллар ўтиб, Низомхон Очилов деган инсонга турмушга чиқдим, бола-чақалик бўлдик. Саккиз нафар фарзандимиз бор — ҳаммаси ўғил. Шундан 3 тасини боқиб олганман. Аллоҳ менга қиз бермади!.. Лекин Худога шукур, ўғиллар келинлар хабарлашиб туришади. Э, қаричилик ҳам қурсин. Икки йил бўлди, оёғим ишламай қолди. Мана, 86 йилдан бери юрагимнинг тубида яшаб келаётган дардларимни эшитдинглар. Энди у оғир кунлар ортда қолди, болам. Ҳозирги яхши кунлар пешонамизда бор экан, Яратганга минг шукур!..

Аянинг суҳбатини тинглар эканман унинг сийратида ўзбек генерали Жўрабек Қаландар қори ўғлининг сиймосини кўргандек бўлдим. Зотан, миллат озодлиги учун курашган, миллат ғururини ўз сиймосида кўрсата олган генерал Жўрабекнинг қони авлодлари томирида оқаётир...

**Ғулом АБДИЕВ,**
**журналист.**

САВОЛ-ЖАВОБ

# Никоҳ тузиш тартиби ва шартлари қандай?

*Мамлакатимизда никоҳдан ўтишга доир қонунчиликда белгиланган моддалар тўғрисида батафсил маълумот берсангиз?*

**Шаҳноза НОСИРОВА,**
**Термиз шаҳри.**

Никоҳдан ўтувчилар томонидан оила қуриш учун илк қадам фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимига ёки Никоҳ уйларига ариза билан мурожаат қилишдан бошланади. Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 13-моддасида никоҳ тузиш тартиби ва шартлари белгилаб қўйилган.

Никоҳ фақатгина фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимида тузилади. Бунинг учун никоҳланувчилар бир ой олдин ФҲДЁ бўлимига ариза билан мурожаат қилиши лозим. Узрли сабаблар бўлганда (ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқа ҳолатлар) ФҲДЁ органи бир ой ўтгунга қадар никоҳ тузишга рухсат бериши мумкин.

Никоҳ тузиш ихтиёрийдир. Бўлажак эр ва хотин ўз розилигини ифода этиши лозим. Никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланади.

Оила Кодексининг 15-моддасида никоҳ ёши эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланган. Узрли сабаблар бўлганда, маҳаллий ҳудуддаги ҳоким қарори билан у бир йилга қисқартирилиши мумкин. 16-моддада никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар белгилаб қўйилган. Яъни:

— никоҳланувчиларнинг биттаси бошқа никоҳда турган бўлса;

— насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар, туғишган ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида;

— лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли) суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар бўлса. Бундай ҳолатларда никоҳ қуришга рухсат берилмайди.

Оила Кодексининг 17-моддасида никоҳланувчиларнинг белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтишлари учун йўлланма берилиши ҳам белгилаб қўйилган.

**Хурсаной ЖЎРАҚУЛОВА,**
**Шеробод тумани**
**ФҲДЁ бўлими мудири.**

БИЛАСИЗМИ?

# Халқаро ташкилотлар тарихидан

*Халқаро ташкилотлар қадимдан мавжуд бўлиб, улар босқичма-босқич ривожланиб борган. Эрамиздан аввалги VI асрда қадимги Грецияда шаҳар ва жамоалар иттифоқи ҳамда диний-сиёсий иттифоқлар илк халқаро бирлашмалар сифатида юзага келди ва улар бўлғуси халқаро ташкилотларнинг дебочаси бўлиб қолди.*

Мазкур уюшмалар грек давлатларини бир-бирига яқинлаштириб, уларнинг ўзаро муносабатини мустаҳкамлаб турган. Халқаро ташкилотлар тараққий этишининг кейинги босқичида халқаро иқтисодий ва божхона бирлашмаларининг пайдо бўлиши муҳим ўрин эгаллайди. Шундайлардан бири — Ганза савдо иттифоқи бўлиб, бутун Шимолий Германияни ўрта асрлардаги жоҳиллик давридан олиб чиққан.

Халқаро ташкилотлар тарихини ўрганган мутахассислар биринчи расмий ҳукуматлараро тузилма деб 1831 йилда Рейнда ташкил топган Кемачилик бўйича марказий комиссияни тахмин қилишади. Ундан кейин ерни ўлчаш масалалари билан боғлиқ уюшмалар (1864), Жаҳон телеграф иттифоқи (1865), Бутунжаҳон почта иттифоқи (1874) ва бошқалар ташкил этилган. Мана шу даврда давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланиб, ҳаётнинг турли жабҳаларини ўз ичига қамраб ола бошлайди.

1919 йилда Миллатлар Иттифоқи тузилади. Унинг мақсади — жаҳонда юз бериши мумкин бўлган янги урушларнинг олдини олиш, тинчликни сақлаш учун барча зарурий чораларни қабул қилишдан иборат эди. Унинг Низомида тинчликни қўллаб-қувватлашнинг турли хил самарали усуллари, аниқроғи ҳар бир давлатнинг қуролланиш даражаси минимал миқдоргача чекланиши назарда тутиларди. Лекин иттифоқ ўзининг асосий вазифасини бажара олмади: халқаро можароларни тинчлик йўли билан ҳал қилишнинг уддасидан чиқмади. Оқибатда Иккинчи жаҳон уруши келиб чиқди. Иттифоқ 1946 йилнинг 18 апрелида тугатилди.

Бир сўз билан айтганда, ўтмишдаги халқаро ташкилотлар ҳозирги замонавий умумжаҳон ташкилотларининг пойдевори бўлиб қолди. Глобаллашиб бораётган XXI асрда уларнинг сони жуда кўп. Эндиликда халқаро ташкилотлар давлатлар билан мулоқот қилишда асосий ташкилотчи сифатида саҳнага чиқмоқда.

**Шаҳобиддин РАСУЛОВ**
**тайёрлади.**

ТАЛҚИН

# АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ "ҚАРО КЎЗ"И КИМ БЎЛГАН?

*Мумтоз адабиётнинг ноёб жавоҳири — ғазал кўп ҳолларда жанр талабига айланган асрий анъаналар йўналишида яратиб келинган. Бу эса шоир учун ўз кечинмалари, туйғулари, кайфиятини акс эттиришдан тийилиб, муайян шаклий талабларга жавоб беришдангина иборат, деб тушунилади. Дарвоқе, бундай тушунчада ҳам озми-кўпми ҳақиқат бор: ғазал жанр талаблари нуқтаи назаридан бир неча асрлар давомида барқарор мезонлар асосида яратиб келинган. Шундай бўлса-да, шоирнинг руҳий ҳолати ғазалга кўчган ҳоллар ҳам учрайди. Хусусан, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг айрим ғазалларида ҳаётларининг маълум пайтларидаги ҳолатлари билан боғлиқ воқеалар акс этган руҳий вазиятлар ўз "муҳр"ини қолдирган. Назаримда, Навоий ҳазратларининг "Қаро кўзум"и шундай ғазаллардан.*

Бу ғазални турли йилларда Эркин Воҳидов, Нажмиддин Комилов, Алибек Рустамов, Абдулла Аъзамов, Исмоил Бекжон, Эркин Мусурмонов каби бир қанча олиму адиблар шарҳлашган. Уларнинг шарҳларида, шубҳасиз, кашфиётлар кўп. Биз уларни доимо диққат-эътиборимизда тутамиз. Бовужуд, мен буюк Навоийнинг оддий мухлиси сифатида ҳар гал мазкур ғазални ўқиганимда, кўз ўнгимга ҳазратнинг ошуфтаҳол сиймоси келаверади. Шоир ушбу ғазални ёзаётганида қандай кайфиятда бўлганини ўзимча тасаввур қилдим, айрим ҳолларда фаразга ҳам ўрин берилди. Мақсад — бу шеърни ғазалиёт назарияси асосида шарҳлаш эмас, балки шоирнинг сатрлараро жо бўлган кўнгил сирларига ошно бўлишдир.

Навоий "Қаро кўзум" ғазалини, назаримда, ҳаётининг оғир пайтларида ёзган бўлса керак. Инсон моддий эмас, маънавий-руҳий изтироблар таъсиридагина шундай маҳзун асарлар битиши мумкин. Шоир ҳаётининг шундай оғир пайтлари Абусаид Мирзо ҳукмронлик қилган йилларга тўғри келади. Эҳтимол, ғазал ўзи туғилган она юртидан чиқиб, мусофирликнинг зил-замбил машаққати остида эзилган, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий-руҳий жиҳатдан қийналган, ҳамиша атрофида бўлган ёр-у, дўстларининг ҳижрони ўртаётган, ёнида бир мунис-меҳрибони қолмаган, айрилиқ дарди юрагини эзиб турган вақтда қоғозга тушгандир. Шундай ҳолат Навоийнинг Самарқандга эндигина келган кунларида ҳам бўлгани маълум. Буни шоир шеърда фасоҳат талаби билан бадиий ифодалаши керак эди. Ғазалда ҳар қандай туйғу гўзаллик қонунияти асосида ифодаланиши лозим бўлган. Зотан, мумтоз адабиёт ва ўтмиш тарихчиларимизда бундай тасвирни кўп учратганмиз. Жумладан, Шарафиддин Роқимий (XVII-XVIII асрлар) "Тарихи томм" асарида "1501 йили Алишер Навоий вафот этди" деган гапни фасоҳат санъати талаби билан шундай ифода этади: "... санаи 906 ҳижрий мушарраф барот ойининг авваларида унинг ҳаёт рўзномасини фарди ботил сингари кеча ва кундуз дафтаридан чиқариб ташланади; унинг аъмоли варақлари ва афъоли рақамлари жузвларини "Иннамо ҳисобаҳум инда раббиҳум" девонгоҳига элтди". Алишер Навоийнинг ўзи ҳам шу услубга амал қилиб, Азроилни манзура, маҳбуба тарзида ифода этади. Албатта, "Қаро кўзум"да фақат Азроилни чорлаш акс этмаган. Таъкидлаш жоизки, буюк Навоийнинг назмида сермаънолилик мавжуд. Ғазалнинг дастлабки байтини олайлик:

**Қаро кўзум, келу мардумлуғ**
**эмди фан қилғил,**
**Кўзум қаросиға мардум киби**
**ватан қилғил.**

Бу байтдаги айрим сўзларнинг маъносини изоҳлашга уринайлик. «Қаро кўзим» — маҳбуба, маъшуқа. Айни пайтда, у фаришта, малоика ҳам. Мумтоз адабиётда оқ юзли, қора қошли, қора кўзлини «пари», «париваш» деб аташ кўп учрайди. «Мардум» — инсон, одам; кўз қорачуғи. «Мардумлиғ» — инсонга, одамларга хослик, одамгарчилик. «Фан» — моддий асосга эга тадқиқот, билим соҳаси; «илм»га муайян даражада зид тушунча. «Илм» — бу ақл, мантиқ, мушоҳада, кўнгил ёрдамида англанадиган ҳақиқат. Хулоса: байт мазмуни қуйидагича: фариштам, ёнимга келгин, одамларга, инсонларга хос хусусият касб қилгин (негаки, фаришталар, малоикалар нурдан, одам тупроқдан яратилгани учун орада катта фарқ мавжуддир); инсон Ватанга, муайян яшаш масканига эга бўлиши табиийлигидан, даъваткор (ошиқ) "Сен менинг кўзим қорасига жойлашгин", дейди. Демак, даъват этувчи учун даъват этилаётган энг азиз, энг ардоқли.

Ғазалдаги сўзларга берган изоҳимизнинг тўғрилигига далил сифатида ҳазрат Навоийнинг бошқа ғазалидан бир байт мисол келтирсак:

**Эй Навоий, ул парийдин**
**одамийлиғ кўрмасанг,**
**Айб эмас, ул ҳурдур ёки**
**малак, инсон эмас.**

Ғазалнинг навбатдаги байти даъваткор (ошиқ)нинг биринчи байтдаги илтижосини, унинг манзурага бўлган муносабатини янада ойдинлаштиради:

**Юзунг гулига кўнгил**
**равзасин ясаб гулшан,**
**Қадинг ниҳолиға жон**
**гулшанин чаман қилғил.**

Байтнинг мазмуни: юзинг — гул. Бу гул учун менинг кўнглим маскан бўлсин. Қад (гул)инг ниҳолига жонимнинг гулшанини чаман айлагин.

Англашиладики, даъваткор манзурани чорларкан, Унинг даъваткор учун энг яқин кишиси бўлишини, қалбининг тўридан жой олишини истайди. Лекин орага "жон" сўзи киргани кишини ўйлатиб қўяди: нега қаддининг ниҳоли айнан "жон гулшани"дан жой олиши керак? Дарвоқе, "жон" сўзидаги "алиф" манзуранинг қадди ниҳолига ишора. Бу байт мазмунининг бир томони. Иккинчи томони шундаки, "жон" сўзи беҳуда тилга олинмаяпти. Даъват этилган манзурага "жон"дан ўрин ол, дейиш унга "жоним фидо бўлсин" дегани ҳамдир. Бу манзуранинг "жон олғувчи" эканига ишора бўлса керак. "Жон олғувчи"эса ўлим фариштасидир. Иккинчи мисрадаги "жон" сўзи бадииятдаги ийҳом санъатини ёдга туширади. Бу санъат талабига кўра, бундан кейинги мисрада "жон" сўзи келиб, даъваткорнинг фикрини ойдинлаштириши керак. Дарвоқе, иккинчи байтнинг биринчи мисрасидаги "кўнгил равзаси" ибораси ҳам ийҳом санъатига мувофиқ тарзда киритилгандек. Негаки, "кўнгил" — бу қалб, юрак дегани; "равза" — боғ, гулбоғ, жаннат дегани. (Унинг "азизлар қабри" деган маъноси ҳам бор). Алҳосил, бу "юрак бўстони" маъносини англатади. Бўстон қип-қизил лолалар очилиб турувчи гулзордир. "Кўнгил гулзори" — юрак қонига ишора. Демак, байтдаги "қон", "жон", "жаннат" сўзлари кейинги байтларда ийҳом санъати талаби билан шарҳланиши керак.

**Таковарингга бағир қонидин**
**хино боғлаб,**
**Итингга ғамзада жон**
**риштасин расан қилғил.**

Дафъатан бу ерда нега "таковар" билан "ит" сўзлари қўлланилаяпти, деган савол туғилади. Зотан, ғазалда истифода этилган ҳар бир атама унинг умумий моҳияти билан боғланган бўлиши шарт. Биз юқорида даъваткорнинг ўлим фариштасини чақириб, жонимни ол деб, илтижо қилганини англаган эдик. Жон олиш Алишер Навоий ғазалларида "жон қуши"ни овлаш сифатида ифодаланган. (Ибн Синонинг "Тайр" ("Қуш") асарида ҳам жон шу маънони англатади). Демак, ўлим фариштаси "жон қушини овловчи", яъни овчи рамзида тасаввур этилади. Овчининг тимсоли эса шундай: чопқир, гижинглаган от устида, қўлида ўқ-ёй, отган қушларини олиб келувчи итлари ёнида. Сайёд қушларни овлар экан, ити ўқ еган қушларни тишлаб, гижинглаган отнинг оёғи остига ташлайди. Отнинг туёқлари ярадор қушнинг қонига беланиб, хино боғлагандек қизаради. От туёқлари остида ҳаётдан кўз юмган жон қушининг илоҳий ишқ азобида ғамзада бўлган "жон ипи"ни суғуриб, итингнинг бўйнига арқон қилгин, дейди даъваткор.

Навбатдаги байт:

**Фироқ тоғида топилса**
**туфроғим, эй чарх,**
**Хамир этиб ани яна ул**
**тоғда кўҳкан қилғил.**

Бизгача ғазални шарҳлаганларнинг якдил фикридек, бу байтда фироқ тоғида кўҳканлик (тоғ қазувчилик) қилган Фарҳоднинг ишқ йўлида чеккан машаққатлари, азоб-уқубатларига ишора бор. Даъваткор бу байтдаги "чарх"дан, яъни тақдири азалдан илтижо этадики, борди-ю, ишқ азоби, ҳижрон уқубатидан ўлим топиб, тупроғи Фироқ тоғида топилса, ундан хамир қориб (лой қилиб), қайта жон бахш этилса, яна Фарҳод сингари ишқ-муҳаббат йўлида азоб тортувчи, кўҳкан қилсин.

**Юзунг висолига етсун**
**десанг кўнгулларни,**
**Сочингни бошдин-оёқ**
**чин ила шикан қилғил.**

Байтни ўқигач, табиий ҳолда бир савол туғилади: нега юзининг висолига ўзи эмас, кўнгуллар етиши керак? Бу ерда "кўнгул" руҳ маъносида келган бўлиши эҳтимол. Агар шундай бўлса, ушбу байтда даъваткорнинг асл мақсади, яъни тавҳид ғояси ифодаланган. Илоҳий руҳ билан толибнинг руҳи бирлашиши керак. "Соч" сўзининг маъноси, қандайдир, зулмат, қоронғилик. Эҳтимол, "лаҳад" маъноси билан ҳам боғлангандек. Ошиқ бу дунёдан фано бўлиш, яъни ўлим воситасидагина тавҳидлик мақомига етишиш мумкинлигини англайди ва у бунга дилида рози: "жон қуши"нинг тандан парвоз қилиб кетишига эътирози йўқ. Шу сабабли у манзурага сочини "чин ила шикан" қилишни илтижо қилади. "Чин" ҳам, "шикан" ҳам сочни жингала қилиш билан боғлиқ. Маҳбуба сочларини чин ила шикан қилса, чиройи янада ортади. Айни пайтда, соч жингаласи қуш овловчи тузоққа ҳам ўхшатилади. Байтда ҳар бир тола сочингдан "жон қуши"мни овлаш учун тузоқ ясагин дейилмоқда.

**Хазон сипоҳига, эй боғбон,**
**эмас монеъ,**
**Бу боғ томига гар игнадин**
**тикан қилғил.**

Мазкур байтни барча шарҳловчилар бир хил изоҳлаганлар: унда осон англанадиган фикр ифодаланган. Лекин бошқа бир жиҳати ҳам бор: деярли барча изоҳловчилар бу байтни шарҳлар эканлар, бир оз "ғайримантиқий", "ғайриодатий" ҳолатни кўриб, ҳайрон қолишади: маъшуқасини висолга чақирган ошиқ унга шавқангез, мутрибий гаплар ўрнига "ёшми, қарими, инсоннинг қазоси етганидан кейин ўлимдан қутулишнинг имкони йўқ", деган ғаройиб "фалсафани" суқиб туради. Дарвоқе, ғалати жойи йўқ. Негаки, ғазалнинг меҳвари бўлган фикр ҳам "ўлим фалсафаси"дир. Шу боис, бу байт оддий эмас, шоҳбайтни ташкил қилади.

Кейинги байт:

**Юзида терни кўруб ўлсам, эй**
**рафиқ, мени**
**Гулоб била юву гул**
**баргидин кафан қилғил.**

Мазкур байтни шарҳлашда ғазалнинг асосий ғоясидан, лейтмотивидан келиб чиқиш мантиқийдек туюлади. Модомики, гап ўлим ва унинг воситасида етишиши кутилган тавҳид ҳақида экан, даъваткор ўлимга тайёр. Фақат у ўлгач, энг тоза сувга ювилишни орзу қилади (бу барча мусулмонларга хос бўлса керак). Энг тоза сув эса манзура — гул юзли маҳбуба юзидан чиққан тердир. Буюк Навоий маҳбубанинг гул юзидаги тер ҳақида сўз юритмоқда. У жисмонан фано бўлгач, мана шу терга — энг тоза сувга ювилмоқни истайди. Айни пайтда, гул юзлининг рухсоридан чиққан терга ювилиш, тимсолли айтганда, гулобга ювилишдир. "Гул баргидин кафан" ҳам маҳбубанинг юзини ташкил этувчи "гул барги"дан бошқа нарса эмас. Шу тариқа ошиқ (даъваткор) маъшуқа (манзура, маҳбуба) билан бирлашиб кетади. Бу эса тавҳиддир.

Кейинги мисра эса даъваткорнинг бош мақсадини ифодалайди:

**Навоий, анжумани шавқи**
**жон аро тузсанг,**
**Анинг бошоғлиғ ўқин**
**шамъи анжуман қилғил.**

Байтнинг мазмуни қуйидагича: Навоий, жон таслим этиш анжуманини тузсанг, "жон" сўзи ичидаги "алиф"ни (араб ҳарфлари билан ёзиладиган "жон" сўзи назарда тутилади), яъни жон ўзагини анжуманда шам қилгин, токим у ёниб мажлисни ёритсин. Бу ерда даъваткорнинг "жон"идаги "алиф" (ўқ)нинг мажлисда шамдек ёниши бандаси (ошиқ) билан илоҳ (маъшуқа)нинг ваҳдат мақомида бирлашиб кетишини, яъни мабдаи нурга шам нурининг қўшилиб кетишини англатади. Зотан, даъваткорнинг мақсади ҳам шу эди.

Кўринадики, Навоийнинг "Қаро кўз"и, аввало, жон олғувчи маъшуқа. Айни пайтда буюк шоирнинг барча ғазалларидаги кўп маънолилик жиҳатидан келиб чиқилса, ўлим фариштасини ҳам англатади. Шу боис ушбу ғазалда маълум даражада ўлим фалсафаси ҳам акс этган. Бу фалсафанинг моҳиятига сингдирилган ўлим йўқлик эмас, бандасининг Аллоҳга етишиши, қўшилиб кетиши билан боғланган абадийликка эришиш йўлидир. Ғазалда ўлим акс этар экан, барибир унда маҳзунлик, маъюслик туйғулари бўлиши табиийдир. Шу боис ҳам бу ғазални ҳофизлар азиз кишисидан айрилганларида мотам қўшиғи, гиря, яъни йиғи тарзида куйлаганлар.

**Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ**

ШЕЪРИЯТ

# БАХТ БОРМИ ВАТАНДИН УЛУҒ, ЗИЁДА!..

## Ватан

Сонетлар



Ойгул СУЮНДИҚОВА

1

Ҳаволар ифорли гулдан ҳам, эй, дил,
Қуёшли юртдаги йўлдан ҳам, эй, дил,
Навоий назм битган тилдан ҳам, эй, дил,
Бормикан азизу мукаррам, эй, дил!

Қуёш нурларини кипригим илди,
Юлдузлар ёшурун, ой ҳам ёшурун.
Бутун ер юзига тонг кириб келди,
Шундай туғиламан мен ҳам ҳар бир кун.

Бу дунё мукаммал яралмиш азал,
Анингдек куй, ғазал яралмиш азал,
Алардек дил гўзал яралмиш азал.

Кезсанг ҳам топилмас хоҳ уч, пиёда,
Сен ҳам бор, мен ҳам бор бу чин дунёда
Бахт борми Ватандин улуғ, зиёда!..

2

Кетиб бораяпман кўнглим йўлидан,
Бу йўл ўхшамайди ҳеч кимникига.
Бу йўлда сўз битдим элим тилида,
Бу йўл туташади элимникига.

Ўлсам ҳам сеники бўламан, элим,
Сўзласам ҳам сендан сўйлайман, юртим.
Мен ҳам сенинг каби онаман, дилим
Куйласа, сени деб куйлайман, юртим.

Онанинг бағридан кенгроқ бағир йўқ,
Қуёш таъзимдадур она меҳрига —
Оналикдан ўтар бардош, сабр йўқ.

Онаман — қиёси йўқ бахтимдир бул,
Яшасам сени деб яшайман, болам.
Ватаним — онамга хизматимдир шул.

3

Мукаммаллик надир? Сенмисан, осмон,
Унда нечун доим кўкка сиғиндинг?
Мукаммаллик сенми, эй, тубсиз уммон,
Унда нечун доим кўкни соғиндинг...

Мукаммаллик сенми, эй инсоният,
Нечун йўқотасан, нечун излайсан?
Мукаммаллик сенми, она табиат,
Нечун ёнасан-у, нечун бўзлайсан?

Фалакдай, уммондай, ердай ардоқли
Мукаммаллик надир? Излама, юрак.
Жонга-жон, танга-тан, умрга тиргак.

Ҳар битта гиёҳи дардга ярақли
Дунёда мукаммал ўзингсан, Ватан,
Мен ҳам дарахтингман қўлларинг эккан.

4

Онамни соғиндим — тонгларга қайтдим,
Барглардаги тоза шудринглар билан.
Онажон, бу сўзни бир умр айтдим —
Ки, фақат онамга ўхшайсан, Ватан!

Борлиқ уйғонмоқда, деразам очдим,
Қуёш кўтарилиб келар уфқдан.
Олтин нурларини йўлларга сочди,
Жон-у, таним яйраб кетди қўшиқдан.

Кел, менинг қаноти учқур саҳарим,
Онам кўзларига тўйиб боқайин.
Баҳор, қўлларимдан ушла, баҳорим.

Бўлмасанг, келмасдим мен ҳам оламга,
Дарёлар, денгизлар билан оқайин,
Ки, фақат онамга ўхшайсан, Ватан!

* * *

Йўлимда — хазонлар уюми,
Шамоллар очирмас кўзимни.
Эгнимда бировнинг кийими
Тургандай
Бир оғир сездим ўзимни.
Кўнглимдан нималар ўтганлигини
Билсайдинг, дарахт!..

Гарчи куз, лек қуёш оташдир,
Қовжираб шилдирар хазонлар.
Руҳимда туйғулар талошдир,
Қалбимда ловуллар армонлар.
Соянгда кимларни кутганлигимни
Билсайдинг, дарахт!..

Бу ҳаёт ким учун шаробдир,
Ва кимни қайғулар тилибди.
Кимнингдир кулбаси харобдир,
Қай уйга тиллолар кўмибди...
Дунёга ким келиб-кетганлигини
Билсайдинг, дарахт!..

Бедорлан, бедорлан, уйқудан уйғон,
Юлдузлар оҳи бор шабнамда.
Тупроқни тавоф қил, кенг осмон
Юрагинг аритар бор ғамдан.
Шунда бошим кўкка етганлигини
Билсайдинг, дарахт!..

Йўлимда — хазонлар уюми,
Шамоллар очирмас кўзимни.
Эгнимдан бировнинг кийимин
Ечгандай
Бир енгил сездим ўзимни.
Оппоқ қорлар юртга қайтганлигини
Билсайдинг, дарахт!..

Яна қиш қуёши жилмайди олис,
Майин оқ либосга буркандинг шодон.
Баҳоргача омон бўл, омон,
Ёнингга баҳордай қайтганлигимни
Билсайдинг, дарахт!...



АКС-САДО

# КИТОБ — ҲАЁТ ШАМЧИРОҒИ

***Публицист ва ношир Аҳрор Аҳмедовнинг "Энг буюк кашфиёт" ("Ҳуррият", 2009 йил, 17 июнь) мақоласида ўта долзарб ва оғриқли масалага яна бир марта эътибор қаратилибди.*** *Аслида ҳам бу ҳақда жоиз бўлса ҳар куни гапириш керак, чунки китобхонлик шундай машғулот. Хонадондаги зулматни даф этувчи чироққа тез-тез мой қуйилади ва у ёниб, ёруғлик таратади. Ҳа, ким китоб ўқимаса, қалб чироғининг мойи аллақачон тугаб бўлган, демак, қалб зулмат қаърида қолган. Тасаввур қилинг: қоронғи хонадан бирор нарса қидираяпсиз. Излаган матоҳингизни ё қийналиб топасиз ёки умуман тополмай кўчага чиқасиз. Хуллас, жамиятда китоб ўқимайдиганлар камайиб кетса, улар ўз ҳаётини ҳам бутун жамият ҳаётини ҳам остин-устун қилиб ташлашади. Мақолада ана шу даражадаги хавфдан ташвиш бор.*




Китобнинг фойдаси ҳақида китобларнинг ўзидагидан ҳам кўпроқ яхши фикрлар айтилибди мақолада. Барибир, улардан айримларини эслаш жоиздир. Жумладан, XIX асрда яшаган француз публицисти, олим ва жамоат арбоби Рене Эдуард Лабуленинг мана бу гапи айни нишонга урилгандек бўлди: "Тараққиётнинг умумий кўламида ҳар бир халқнинг ўрни ўша халқ ўқиётган китобларнинг сони билан белгиланади". Бу эътироф айни ҳаёт ҳақиқатики, уни ҳар бир ақли расо одам тасдиқлаши мумкин. Ҳозиргача ҳам, бундан кейин ҳам ҳар қандай халқнинг юксаклиги унинг маърифатлилик даражаси, демак, китобхонлиги билан ўлчанади. Дарҳақиқат, мақолада таъкидланганидек, китоб — "энг буюк кашфиёт". Фақат бугина эмас, китоб — энг сўнгги мўъжиза. Маълумки, кўпгина пайғамбарларга Яратувчи томонидан мўъжиза туширилган ва шу билан уларнинг пайғамбарлиги қувватлантирилган: бирига сеҳргарлик, бирига ҳайвонлар тилини тушуниш, бошқасига ўлганларни тирилтириш сингари. Охирги пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)га эса мўъжиза сифатида муқаддас китоб — Қуръони карим туширилган! Бундан кейин бошқа мўъжиза рўй бермайди, барча мўъжизалар шу улуғ китоб бағридан ўрин олган, уларнинг дояси китоб ҳисобланади, деб уқтирадилар алломалар. Энди "охирги мўъжиза"дан бебаҳра халқнинг аҳволини тасаввур қилиб кўринг...

Истиқлолдан кейин Юртбошимиз раҳнамолигида турмушимизда мислсиз ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, маънавий-маърифий турмушимизни юксалтириш соҳасида қанчадан-қанча улуғ ишлар қилинди. Бир-биридан гўзал бинолар-у, кўзни қамаштирадиган турли хил иншоотларни айтмайсизми? Аммо яшириб нима қилдик, минг афсуски, айнан китоб ўқишда кўпам мақтанолмаймиз. Аксинча ким ўзарга тўйлар, 400-500 кишилик зиёфатлар, ҳар бир меҳмонга ўртача 50-100 минг сўмдан сарф-харажатлар оддий ҳол бўлиб қолди. Шу аснода юртдошларимизнинг ҳавоий ҳавасларга рўжу қўйиб, маърифатдан шунча узоқлашаётганлари кишини ажаблантиради. 2-3 соатлик шовқин-сурон учун бир неча миллион сўм сарфлаган азаматлар 5 минг сўмга китоб олиб ўқимаслиги чиндан-да уларнинг фожиаси!.. Китоб ўқиш дабдабали турмуш тарзига анча-мунча ёт бўлиб қолди. Ҳолбуки, айни пайтда республикамизда 10 мингдан зиёд фуқаролар йиғинлари мавжуд экан. Уларнинг қошида биттадан кутубхона ташкил этилганда ҳам ноширлар "атиги 3 минг нусхада чоп этилган" китобларини "ўтказа олмай", бошлари қотмас эди. Бунинг учун фуқаролар йиғини раислари ташаббус кўрсатишлари лозим.

Маълумки, жонзотлардан фақат инсонгина руҳ ва тан озуғига эҳтиёж сезади (фақат тан озуғи ҳайвонларга хос). Руҳ етарлича озуқлантирилмаса, одамни фақат тан, яъни нафс бошқаради, дейди машойихлар. Инсон нафс измига тушмаслик учун ҳам маърифатдан йироқлашмаслиги зарур.

Албатта, эзгуликнинг кечи йўқ. Қалбида маърифат нури сўнмаган юртдошларимиз кўплаб топилишига ишонамиз. Улар хайрли амалларга қўл урадилар. Зеро, бугун айтилиши керак бўлган гап эртага айтилса, кеч бўлиши мумкин.

**Ҳаким САТТОРИЙ**

